йатифма тағқа тегмиш. Иди йўқ эрмиши³¹ дейилади. Бундан қуйидаги-ча мазмунни англаса бўлади. Яъни турк қўшинлари арабларга зарба бериб, Темир Дарвозагача етиб келганлар. Уларга араблар ва маҳаллий тоҳарлар қаршилик қилган. Шу ерда бошига ажраладиган чоки бор дубилиға кийган сүфдийлар туркларга ёрдамга етиб келган ва душман улоқтириб ташланган. Бундан мурод ҳосил қилган Қашқадарё халқи Тўнтоқуққа турли совға-саломлар беришган. Бу воқеалар Қутайба ибн Муслимнинг Хурросон ноиби бўлишидан аввал тахминан 700-710 йилларда рўй берганини кўрсатади. Кейинчалик турклар ва маҳаллий халқларнинг жиддий қаршилигига қарамай арабларга бўйсундирилди. Жумладан, 712 йилдаги араблар томонидан Қутайба ибн Муслим ва Суғд подшоси Гурак (710-718 ва 722-738 й.) ўртасидаги шартномага кўра Кеш ва Насафнинг шаҳар ва қўрғонлари Гўрак қўл остидаги мулклар сифатида тан олинган³².

Қутайба вафот этгач (715 йил Фарғонада ўз лашкарлари томонидан ўлдирилган) Мовароуннаҳрдаги араблар обрўйига птур етади. Халифа Сулаймон (715-717 йй) Хурросон ноиби сифатида Йазид ибн Мухаллабни тайинлайди. У эса Мовароуннаҳрга ўз ўғли Муавия ибн Йазидни юборади ва уни Самарқанд, Бухоро, Кеш ва Насаф ҳокими этиб тайинлайди³³. Аммо, насафликлар ҳам араб истилосига қарши курашда фаол иштирок этади. 723 йилдаги арабларга қарши курашган Турк хоқони Сулуҳон - Абу Музахим (Сузагон) бошчилигидаги Фарғона, Шош қўшинлари қаторида насафликлар ҳам бўлганлигини³⁴ Таборий эътироф этган. Суғд, Фарғона ва Турк хоқонлиги қўшинлари араб қўмондони Муслим қўшинларини Хўжанддан Самарқандгача таъқиб этган бир пайтда Насаф ва Кеш истехбади Ашканд ўз юртдошлари иттифоқчиси сифатида арабларнинг Амударё кечувидан ўтишига йўл қўймайди. Чекинаётган Муслим ибн Абу Саидга Асад ибн Абдуллоҳ бошчилигидаги араблар қийинчилик билан ёрдамга етиб келади³⁵. Ашканд бошчилигидаги Насаф қўшинлари Гурак билан ҳамкорликда 731 йилда араб қўмондени Сурра ибн Хурра бошчилигидаги араб истилочиларига ҳужум уюштиришда иштирок этишади. Сурра мағлуб этилади. Араб қўшинларини сұндар ва турклар Самарқандгача таъқиб қилиб боришади³⁶.

³¹ Ўша асар. 23-25-бетлар.

³² Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. М.: Наука, 1970. С. 208-209.

³³ Кадирова Г. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. Ташкент: Наука, 1965. С. 64.

³⁴ История ат-Табари. Ташкент: Фан, 1987. С. 198-199 (1477-1478).

³⁵ Кадирова Г. Указ. соч. С. 91.

³⁶ История ат-Табари. С. 225.(1542).

Муқанна бошчилигидаги озодлик ҳаракати даврида ҳам Насаф, Самарқанд ва Бухоро шаҳрлари каби ҳаракат марказларидан бирига айланади³⁷. 783 йилда Муқанна вафот этгач ҳам, то XII асрдагча Кеш ва Насаф вилояти қишлоқларида «оқ кийимлилар» фояси сақланиб қолган³⁸. Наршахий сўзларига қараганда Насаф, Кеш ва Бухоро қишлоқлари аҳолиси куч билан исломни ноилож қабул қилишган ҳамда Муқаннанинг бир кун қайтишига астойдил ишонишган³⁹. Бу ҳолат доимий равишда арабларни хавотирга солиб турар эди. Чунки Қашқадарё ва Зарафшон водийлари кутилмагандан қўзғолон марказига айланиши мумкин эди.

Кейинги давр араб тарихчилари ва географлари ҳам Насаф шаҳри, Нахшаб вилояти тўғрисида кўплаб маълумотлар қолдиришган. Жумладан, X аср географи Абулқосим ибн Хаукалнинг «Масолик ул- мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар») асарида Бухоро, Кеш қаторида Насаф ҳам Суғд мулкларидан бири эканлиги ва маҳсус девон томонидан бошқарилиши қайд этилган⁴⁰. Ибн Хаукал Насафнинг тўрт дарвозаси: Нажжория, Самарқанд, Кеш ва Губдин ҳақида гапириб, шаҳарда арк харобаси борлигини айтади. Шу билан бирга шаҳарнинг Бухоро ва Балх йўлидаги текисликда жойлашганлигини, Насаф мулкининг катта қисми серҳосил ва яшил воҳа эканлигини⁴¹ таърифлайди. Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қонуни Масъудий» асарида Нахшаб-Насафнинг вилоят сифатидаги координатларини келтиради. Унга кўра, Суғднинг жанубий чегарасидаги Насаф шаҳри бу Нахшабдир узунлиги замонларда 48, дақиқаларда 0 га тенг. Кенглиги эса даражаларда 39 ва дақиқаларда 40 га тенг қилиб кўрсатилган⁴².

XII аср араб тарихчиси, файласуфи ва ҳадисшуноси Абу Саъд ас-Самъанийнинг (1113-1167 й.) «Китоб ал ансаб» («Нисбалар китоби») асарида⁴³ ҳам Насаф ва унга тегишли бўлган ҳудудлар ҳақида маълумотлар келтирилади. У Насафни юқорида Ибн Хаукал каби тўрт дарво-

³⁷ Наршахий . Бухоро тарихи. Тошкент: Камалак, 137-146-бетлар; Кадирова Г. Указ. соч. С. 121-123.

³⁸ Якубовский А.Ю. Восстание Муқанны – движение людей в «белых одеждах» // СВ. Т. 5. 1948. С. 54.

³⁹ Наршахий . 144-145-бетлар.

⁴⁰ Бетгер Е.К. Извлечение из книги «Пути и страны» Абул-Касыма ибн Хаукаля // Труды САГУ. Археология Средней Азии. Вып. IV. Ташкент, 1957. С. 14.

⁴¹ Ўша асар. 20-бет.

⁴² Абу Райҳон Беруний . Танланган асарлар. Т.5. Тошкент: Фан, 1973. 426-бет.

⁴³ Камалиддинов Ш. «Китаб ал-ансаб» Абу Са’да Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Саманий как источник по истории и истории культуры Средней Азии. Ташкент: Фан, 1975. С. 184.

заси: Самарқанд, Кеш, Нажжория (баъзи манбаларда Бухоро ҳам дейилади) ва Фубдин ҳақида ҳамда шаҳарнинг 14 манзили (3 даҳа, 4 кӯчаси, 2 масжиди, 2 хонақоси, 1 работи, 1 дарвозаси ва бир минораси) ҳақида батафсил маълумотлар қолдирган. Шу билан бирга Насаф вилоятига қарашли бўлган 42 та манзил (40 қишлоқ, 1 мавзе ва 1 қаср) ҳақида ҳам тафсилотлар келтирилади⁴⁴.

Юқоридагилардан ташқари Насаф шаҳри ва вилояти тўғрисида кўплаб маълумотлар Ш. Камалиддиновнинг «Исторического география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX-начала XIII вв» («Араб тилли IX-XIII аср бошларига оид манбаларда Жанубий Суғд ва Тохаристон тарихий географияси») асарида⁴⁵ муфассал маълумотларга суюнган ҳолда айтишимиз мумкинки, Насаф то мўгуллар истилосига қадар дастлаб Суғднинг сўнг Мовароуннаҳрнинг йирик маъмурий, сиёсий ва маданий марказларидан бири бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, тарихимизнинг қадимги илк ва ўрта асрлар тарихий давридаги Нахшаб - Насаф - Қарши шаҳри ҳамда вилоятиниң ўрни ва аҳамияти салмоқли бўлган. Айниқса, илк ўрта асрларда Нахшаб турк ва суғд муносабатларини серқирра жиҳатларини ўзида яққол мужассамлаштирган. Бу жараён сиёсий, иқтисодий, маданий ва этнослараро муносабатларда муҳим аҳамият касб этди. Нафақат Жанубий Суғднинг балки, Суғд тарихий маданий ўлкасининг йирик шаҳри ва вилояти сифатида археологик топилмалар ва манбалардан сермаҳсул ўрин олган.

A. Атакоджаев

МЕСТО И ЗНАЧЕНИЕ ГОРОДА НАХШАБ И ЕГО ОКРЕСТНОСТЕЙ В ПОЛИТИЧЕСКОЙ И КУЛЬТУРНОЙ ЖИЗНИ ЮЖНОГО СОГДА

В статье раскрываются место и значение города Нахшаб – одного из центров политической и культурной жизни Южного Согда, крупнейшего города раннесредневекового Согда. На основе обширного материала письменных и материальных источников, полученных в результате археологических изысканий конца XIX – начала XX в., обосновывается значение Нахшаба как крупнейшего владения Южного Согда в раннем средневековье.

⁴⁴ Камалиддинов Ш. Указ. соч. С. 100-107.

⁴⁵ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX-начала XIII в. Ташкент: Узбекистон, 1996. С. 422.

A. Atakhodjaev

**ROLE AND PLACE OF NAKHSHAB CITY AND IT'S COUNTRY
AS A POLITICAL AND CULTURAL LIFE OF SOUTH SOGHD**

In the article it is determined the role and place of Nakhshab city and it's country as a political and cultural center of South Soghd. On the basic of materials of written sources, especially on the basis of the archeological explorations of second half of 19-th – beginning of 20-th the author shows the place of Nakhshab city and it's country in the South Soghd.

Ш. Шоназаров

**ДЕКОРАТИВНОЕ ОФОРМЛЕНИЕ НАМОГИЛЬНЫХ
ПАМЯТНИКОВ КАРШИНСКОГО ОАЗИСА XV-XIX вв.
(по материалам Каршинского оазиса)**

Художественная культура средневековой Центральной Азии имеет огромное значение для всех видов и жанров современного искусства. Из различных видов искусства археологические памятники непосредственным образом сохранили следы только изобразительного искусства. Многие предметы прикладного искусства так или иначе связаны с культовой обрядностью, в частности погребальной (намогильные памятники).

Ритуальное значение намогильного камня как олицетворения прочности, незабываемости, незыблемости было широко распространено в древности и средневековье. В целом этот пережиток первобытных представлений, приписывавших камню магическую силу. В частности, сооружение гроба в виде дома, прикрытие могилы камнем, чтобы покойник не вышел из могилы¹. Таково вместе с культом камней происхождение намогильных камней. Надгробья делали из специальных пород камня, причем, иногда камень выбирался черного цвета, наподобие черного камня Каабы² (намогильный камень Темура темно-зеленого, почти черного цвета).

¹ Косвен М. О. Очерки истории первобытной культуры. М., 1957. С. 166.

² Давыдов С. С. Этюд по иконографии самаркандских пейзажей XIV-XV вв. // Изобразительное искусство. Ташкент: Фан, 1990. С. 121.

Важным элементом прикладного искусства является резьба по камню, которая сложилась в XI в. Память о мастерстве средневековых камнерезов не угасала в народном зодчестве на протяжении многих веков.

В XV в. происходит резкий подъем в развитии архитектуры и архитектурного декора в Самарканде. Резной камень и резное дерево в XV-XIX вв. начинают широко применяться в декоративных целях. Стиль резьбы и ее приемы в ту пору для дерева и камня были очень близки друг другу. Это объяснялось общим характером архитектуры и прикладных искусств, в которых использовались художественная каллиграфия, геометрические и растительные арабески³.

Особо следует упомянуть о намогильных плитах XV-XVI вв., изготовленных и обработанных в эпоху Темуридов. Это были высокохудожественные изделия, отличающиеся качественным оформлением архитектурно-декоративных элементов, которые не встречаются среди памятников последующих столетий. В качестве материала для намогильных камней XV в. широкое применение получил мрамор.

В результате наших работ за последние годы в Каршинском оазисе обнаружено большое количество намогильных камней, содержащих ценные исторические сведения, охватывающие период с XV по XVI в.

В Каршинском оазисе на древних заброшенных кладбищах и у старых мазаров - молелен можно встретить намогильные камни, содержащие надписи, выполненные арабской вязью. Кроме этих пышных надписей, они оформлены богатым декором, отражающим приемы художественно-ремесленных достижений мастеров средневекового Мавераннахра и Хорасана.

Художественная обработка и изготовление каменных намогильных камней проводились в специализированных мастерских крупных городов.

В Каршинском оазисе не было разработок месторождений мрамора, тогда как в Самарканде был и мрамор, и известняк. Это одна из причин того, что намогильные камни XV-XVI вв. Каршинского оазиса были продукцией самаркандской школы камнерезного искусства и каллиграфии.

По свидетельствам источников, Самарканд в XV- XVI вв. специализировался на художественной обработке камня, особенно на изготовлении каменных надгробий из местного мрамора белого и серого тонов. Резчики по камню принимали заказы не только у представителей

³ Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Очерки искусства Средней Азии. М.: Искусство, 1982. С. 35.

местной городской знати, но и феодалов из других городов⁴.

Намогильные камни Каршинского оазиса представляют собой тщательно обработанные мраморные и известняковые плиты в форме плоского параллелепипеда, длина которых колеблется от 82x13x40 до 225x43x57.5 см. Все камни предназначались для установления на могилах.

Детальное изучение показывает, что намогильники такого типа устанавливались на могилах представителей высших социальных категорий, имущих классов⁵, знатных лиц мусульманского духовенства - шейхов, имамов, муфтиев и т.п.

При размещении эпитафии резчик оставлял незаполненным нижний конец камня, который закапывался в землю. Подземная часть камня не обрабатывалась. В абсолютном большинстве этот принцип соблюден.

Составление текстов эпитафий, которые выбивали на камнях, являлось профессией специалистов каллиграфов.

Каллиграфы не только в совершенстве владели своим искусством, но и были замечательными художниками. Красота почерка некоторых из них дает нам основание назвать их писцами- художниками, профессия которых передавалась из поколения в поколение. Резчики-каллиграфы с большим вкусом и мастерством вырезали строки текстов на столь твердом материале, как камень.

Оформление намогильных камней эпиграфическими мотивами и их декорировка неразрывно связаны со структурой текста, содержанием самой надписи и ее почерком. Намогильные камни следует рассматривать как своеобразные эпиграфические источники, отражающие особенности письменности и материальной культуры современной им эпохи в истории Центральной Азии.

В художественно-эстетическом плане надписи рассматривались как главный компонент декора и выполняли важные эстетические и эмоциональные функции⁶.

Намогильные камни Каршинского оазиса отличает изящество декоративного и каллиграфического исполнения и их гармоничное сочетание. Четкому «куфи» с прямоугольными начертаниями букв здесь сопутствовали несложные геометрические орнаментальные украшения, строгие линии рамок-картушей. Плавным лигатурам «насха» и особенно «сульса» соответствовали гибкие линии растительного узора.

⁴ Зайн ад-дин Васифи. Бадай ал - вакаи. Т. II.М., 1961. С. 954.

⁵ Массон М.Е. Среднеазиатские намогильные кайраки // Эпиграфика Востока. Л.: Наука, 1971. Вып.20. С. 6.

⁶ Хачатрян А. А. Корпус арабских надписей Армении XIII-XVI вв. Вып. 1. Ереван, 1987. С. 39.

Некоторые надписи исполнялись более сложным приемом – они крупного размера, имеют довольно высокий рельеф. В работах замечательных мастеров-резчиков прослеживается тенденция превращения арабских букв в один из элементов орнаментального искусства. Практика применения букв для декоративных целей характерна для искусства многих народов. Но арабские буквы имели больше изобразительных возможностей.

Основной текст эпитафии отделяется от заглавной формулы орнаментальной полосой, которая имеет вид растительного побега, известного на Востоке под названием «византийской ветки» или «ислими». В отличие от геометрического орнамента в декоре с элементами «ислими» последовательнее проявляются черты локального местного стиля.

Процесс смешения с растительными формами двух основных эпиграфических почерков «куфи» и «насх», наиболее активно протекавший в XI-XII вв., со всей очевидностью определяет направление художественного стиля эпохи - от смыслового значения к декоративно-видовым принципам⁷.

Намогильные камни Каршинского оазиса особенно обильно украшали различными знаками-символами. На них можно видеть розетки, плетенки, звезды, треугольники и т.д. Эти мотивы отражают наиболее архаические пласты искусства, связанные с древними космогоническими представлениями и земледельческими культурами. Эти символические знаки и эмблемы получают декоративное переоформление и зачастую становятся составным компонентом общей орнаментально-декоративной системы, т.е. их эстетический смысл начинает доминировать над древним, культово-магическим.

Наиболее эффективно оформленной была верхняя часть намогильных плит. Именно в этой части памятников декор складывался из отдельных орнаментальных мотивов.

На большинстве могильных камней привлекает внимание изображение восьмилучевых звезд. Они вырезались двумя параллельными линиями - внутренней и внешней. Кончики наружных отростков венчаются двумя расходившимися друг от друга линиями. По середине такой звезда аккуратно вырезан прямоугольник, который соединяет все лучи звезды.

Отметим, что декоративные основные приемы, зафиксированные в оформлении кайраков XI-XIV вв., нашли претворение и развитие в рез-

⁷ Хакимов А. А. Изобразительно-орнаментальные образы и мотивы прикладного искусства // Художественная культура Средней Азии. IX-XIII вв. Ташкент, 1983. С. 97.

ных мраморных надгробиях Самарканда XVI и последующих веков⁸.

В памятниках XV-XVI вв. большое значение имеют бордюры, которые сделаны, главным образом, для усиления художественного восприятия. Бордюрные орнаменты были трех разновидностей: 1) углубленные одинарные или прямые двойные линии; 2) рельефные или углубленные полосы; 3) параллельно идущие валики или линии, пересекающиеся под прямым углом через определенные промежутки.

Памятники с элементами арабской письменности, как средневековой Центральной Азии, так и стран Востока, не только содержат сведения по местной истории, но и являются своеобразным свидетельством высокого уровня мусульманского орнаментального искусства⁹.

Наряду с эпиграфическими надписями на всех памятниках мусульманской культуры широко применялось архитектурно-декоративное оформление. Архитектурный декор опирался на прикладные виды искусства, с которыми его неразрывно соединял, прежде всего, орнамент. В свою очередь и элементы архитектуры находили свое место в творениях прикладного искусства. Интересной в этом отношении представляется «архитектура малых форм». Намогильные камни, творения сангтарашей, являясь образцом высокохудожественных изделий, приобретали вид «микроархитектурных зданий»¹⁰.

В круг архитектурно-декоративных элементов намогильных камней входят полуколонки по четырем углам, сталактиты в верхней части, михрабные ниши и т.д. Выявлены однорядные и двухрядные сталактиты, михрабы, изображенные горизонтально в верхней части сундукообразных намогильных камней.

Полуколонки по декору подразделяются на три типа: морпех (змеиный стиль); занджира (цепеобразный стиль); простые (отсутствие орнамента).

Орнаментация первого типа относится к XV-XVI вв., второго и третьего – к XVI-XIX вв.

Характерен и мотив вазы с цветком (тюльпан), известный для памятников архитектуры Центральной Азии XV-XIX вв. (Туман-ака в Самарканде). Цветок (тюльпан) является атрибутом многочисленных ритуалов, но его интерпретация восходит к древнейшей традиции расщепления изобразительного образа вазы с цветами.

⁸ Додхудаева Л. Н. Эпиграфические памятники Самарканда XI-XIV вв. Душанбе: Дониш, 1992. Т. 1. С. 52.

⁹ Хачатрян А. А. Корпус арабских надписей Армении... С. 39.

¹⁰ Массон М. Е. Плоскоплиточные каменные намогильники Южного Туркменистана XVIII в. (из истории Мерва XVIII столетия) // Труды ЮТАКЭ. Т. XIV. Ашхабад, 1969. С. 260.

Собирание цветов (тюльпанов), связывание их в букет – дерево, а именно такую комбинацию напоминает веретенообразная фигура в вазе, интерпретировались многими исследователями как соединение разрозненных частей погибшего божества с целью его оживления, что в свою очередь представляет пережиток древнейших магических действий¹¹.

В центральноазиатских народно-поэтических представлениях до недавнего времени цветы тюльпана ассоциировались с силами пробуждающейся весенней поры, с встречей народного праздника Весны – Навруза. В этих празднествах тюльпан и другие весенние цветы выступают как символы «воскресающей» природы и магический элемент в них органически переплетается с художественным народно-поэтическим представлением и т. д.¹²

Мотив одиночной вазы сравнительно новый, так как в семантической поре «цветы - ваза», осмысленной в контексте «небесное - земное», «верхнее – нижнее», требовалось время для потери смысла сакрального изображения вазы с цветами¹³.

Для традиции XIV-XV вв. характерно использование этого мотива для оформления входа (или выхода) в какое-либо помещение, т. границы, порога, перехода. Сакральная функция порога в мировосприятии средневекового человека известна¹⁴.

Ваза становится самостоятельным элементом «верхней» символики и традиционной для памятников монументальной изобразительности первой половины XV в.¹⁵

Для памятников XVIII-XIX вв. характерна простота оформления. Низкого качества и примитивно оформленные надгробные памятники этого периода свидетельствуют о кризисе камнерезного искусства.

Употребление разнообразных видов орнаментации и шрифта, трудоемкость процесса изготовления и длительное сохранение традиции устанавливать надгробия с эпитафиями говорят о том, что в мастерских существовало разделение труда. Первичную обработку камня, выемку арок, шлифовку плит и другие трудоемкие работы, не требующие

¹¹ Сухарева О. А. Праздник цветов у равнинных таджиков // Древние обряды, верования и культуры народов Средней Азии. М., 1982. С. 41.

¹² Пещерева Е. М. Праздник тюльпана (лола) в с. Исфара. В. В. Бартольду. Ташкент, 1927. С. 52; Хамраев А. Х. Праздник «Красной розы»// Изв. АН РУз. Серия общ. наук, 1958. Т. 6. С. 24.

¹³ Давыдов С.С. Этюд по иконографии самарканских пейзажей XIV-XV вв. С. 120.

¹⁴ Шукурев Ш.М. «Шах-наме» Фирдоуси и ранняя иллюстративная традиция. М., 1983. С. 76.

¹⁵ Давыдов С.С. Этюд по иконографии самарканских пейзажей XIV-XV вв. С. 120.

специальных знаний и большого мастерства, могли выполнять подмастерья. Работа мастеров, по нашему мнению, начиналась с вычерчивания строк и букв. Можно полагать, что резчики эпитафий не только занимались изготовлением намогильных памятников, но и принимали деятельное участие в строительстве, точнее, в декорировке архитектурных памятников. Наличие мотива стрельчатой арки в декоре намогильных камней косвенно свидетельствует о том, что высококачественная резьба по камню и в архитектуре, и на эпитафиях производилась в одних и тех же мастерских.

Однако нельзя считать, что все намогильные камни делались только в мастерских. По примитивности исполнения резьбы, скучному декору, краткости надписи можно предположить, что ряд памятников XVIII-XIX вв. изготавливались людьми, знающими грамоту и камнерезное дело, в домашней обстановке.

Остановимся подробней на некоторых орнаментах намогильных камней XVIII-XIX вв., состоящих из треугольников. Треугольники расположены на верхней плоскости по краям камня. Вариант этот представляет собой зигзагообразную полосу по краю памятника, образованную двумя рядами врезанных равносторонних треугольников.

Изучая терракотовые статуэтки эпохи бронзы юга Туркмении, В.М. Массон и В.И. Сарианиди выделили шесть групп знаков, нанесенных на статуэтках. Особое место среди них занимают треугольники с ресничками, изображения козла, символов звезд, соларных знаков и т. д.¹⁶ Во многих случаях изображение растений поднимается от треугольника, нанесенного на лоне женщины-символа женского начала – вверх по животу, повышает культовую значимость треугольного знака¹⁷.

Мотивы двух треугольников встречаются и в культовой керамике древневосточных памятников Телль-Обейды, Тепе Муссиан, Суз и Персеполя¹⁸.

По мнению Т. Акермана, треугольник является небесной эмблемой, а два соединенных треугольника - небесным знаком¹⁹.

¹⁶ Массон В.М., Сарианиди В.И. Среднеазиатская терракота эпохи бронзы. Опыт, классификация и интерпретация. М.: Наука, 1973. С. 114-115

¹⁷ Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандинского Согда. Ташкент, 2002. С. 54.

¹⁸ Akerman T. H. Standards, Banners and Badges// SPA. Vol. III. London; New York, 1938. Fig. 41; Contenau G. Manuel d'archeologie orientale depuis les origines jusqu'a l'epoque d'Alexandre, t. 4. Les decouvertes archeologiques de 1930-1939, Paris, 1947. Tabs. 4.

¹⁹ Akerman T. H. Standards... P. 833.

Треугольный орнамент целиком вошел в быт ислама в виде тумара, который, являясь основным символом оберега, имеет треугольную форму. У шиитов Ирана известны ритуальные знамена, имеющие треугольную форму. Эти знамена во время ритуальных процессий носились попарно и были связаны острыми концами²⁰. В ритуале Мохаррам треугольное знамя рассматривалось как траурное, а в Центральной Азии оно было погребальным²¹.

До недавних пор в Самарканде и его округе можно было встретить дома, окруженные высокими пахсовыми стенами. Местное население эти большие дома называло «курганча». Стены и башни украшались ромбовидными, треугольными орнаментами и круглыми розетками, зачастую заполненными штрихами²².

В культуре средневекового Хорезма этот орнамент известен из фрагментов штуковой облицовки дворца городища Каваткала (XII-XIII вв.).²³ Ныне он характерен для народного искусства казахов²⁴. Мотив этого треугольного орнамента является характерным и для русского прикладного искусства. На русских надгробных памятниках он господствует в первой половине XVI в.²⁵, а, кроме того, известен в памятниках булгоро-татарской эпиграфики (XV в.).²⁶.

Все эти элементы орнамента присутствуют, начиная с эпохи бронзы, и в раннежелезном веке имели, безусловно, культовую нагрузку, становясь традиционными элементами культуры, в связи с чем переходили от поколения к поколению практически без изменений.

Процесс развития духовной культуры человечества совершается в рамках исторически сложившихся общностей - рода, племени, народности. С этим связано национальное своеобразие литературы и искусства многих народов²⁷. В процессе исследования материала, особенно орнаментального, мы отмечаем большое значение этих памятников и в деле выяснения культурных взаимоотношений народов Каршинского

²⁰ Марр С.М. Древности Таджикистана //Каталог выставки. Душанбе. 1985. С. 343; Мохаррам (Шиитские мистерии как пережиток древних переднеазиатских культов)//Традиционная культура народов Передней и Средней Азии. Л.: Наука, 1970. С. 313-366.

²¹ Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. С.54.

²² Писарчик А. К. Народная архитектура Самарканда. Душанбе: Дониш, 1974. Рис. 113, 117-133, 135-136.

²³ Толстов С. П. Древний Хорезм. М., 1948. С. 163. Табл. 67, рис.2; Его же. По следам древнехорезмийской цивилизации. М., 1948. С. 279.

²⁴ Казахский народный орнамент. М., 1939. Табл. VI, рис. 15.

²⁵ Нумизматика и эпиграфика. Вып. 1. М., 1960. С. 66-68, Табл. I-VI, рис. 1, 2.

²⁶ Юсупов Г. В. Введение в булгоро-татарскую эпиграфику. М., 1960. С.140. Табл. 59.

²⁷ Трофимов П. С. Основные закономерности исторического развития искусства. М., 1970, С. 149.

оазиса с другими народами. В отдельных случаях, например, в вопросе о треугольном орнаменте, материалы надгробий, дополняя археологические данные, позволяют сделать убедительные выводы относительно путей появления в Восточной Европе орнаментов и показать при этом связующую роль Центральной Азии.

Таким образом, в процессе общественно-экономического развития и творческой переработки культурных заимствований сложились и рассмотренные нами стили намогильных камней Каршинского оазиса XV-XVI вв. и второй половины XVIII - конца XIX в.

Изучение эпиграфических памятников показывает преемственную связь между ними, прослеживаемую как в типологическом и языковом отношениях, так и в их географическом распространении и топографии.

Намогильные памятники следует рассматривать как оригинальный исторический источник по различным сферам жизни общества. Они не только отражают развитие каллиграфии и уровень ремесленного производства, но и содержат целый ряд сведений о социальной структуре общества, отражают уровень его экономического и духовного развития, несут информацию о генеалогии, топонимике, поэзии, религиозной и исторической литературе.

Ш. Шоназаров

XV-XIX ACPALAR ҚАРШИ ВОҲАСИ ҚАБРТОШ ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ БАДИЙ БЕЗАК САНЪАТИ

Қарши воҳаси қабртош ёдгорликлари маҳсус шилов бериб сайқалланган тӯғри тӯртбурҷ чаклидаги мармар тошлардан иборат. Ўймакорлик билан ёзилган араб ёзувлари хаттотлик маҳорати билан ўзига хос нақшинкор битилганд. XV-XVI асрлар қабртошларининг иккниён узунчоқ томонларидағи ёзувлар атрофида тӯғри тӯртбурҷ чаклидаги бўртма иўлакчалар жойлашган. Шу билан бирга қабртошларда ҳар хил исломий белгилар учрайди. Қабртошларининг тӯрт бурчагидаги ярим устун шакли, шарафалар, меҳроб ва бошқалар мемъморий безак санъати намуналаридан олинган.

Sh. Shonazarov

DECORATIVE AND APPLIED ART TOMBSTONES KARSHI OASIS XV-XIX CENTURIES

The tombstone of Karshi oasis intrudes itself thoroughly worked on square shape marbles and famous. The words on tombstones are beautiful and made with art. On the tombstones of XV-XVI centuries there are a number of bas-veldts which made mainly for increase artistic perception. Especially largely decorated with symbols. In circle of architecture - decorated elements there are with four square, stalactites end et. c.

K. Ражабов

ҚАРШИ ШАҲРИ XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА: ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ ВА МУАММОЛАР

Қарши ва Фузор бекликлари (вилоятлари) Бухоро амирлиги таркибидаги 27 та вилоятнинг иккитаси сифатида XX аср бошларига келганда ҳам ўз мавқеини сақлаб қолган эди. Бу пайтда Қарши вилояти 10 та, Фузор вилояти 8 та амлокдан¹ иборат бўлган². Хусусан, Қарши шаҳри икки вилоятнинг қолаверса, Қарши воҳасининг муҳим сиёсий ва маъмурӣ маркази сифатида Бухоро амирлигига пойтахтдан кейин турувчи шаҳар мавқеини йўқотмаслик учун Кармана билан рақобатда бўлган.

Қашқадарё воҳасига темир йўл изларининг ётқизилиши Қарши шаҳри тараққиётини анча тезлаштириб юборди. 1913-1915 йилларда Коғон (Янги Бухоро) - Амударё, Қарши - Китоб (Шаҳрисабз) темир йўли қурилиб, фойдаланишга топширилган. Натижада Қарши шаҳри темир йўл орқали бевосита Бухоро, Шаҳрисабз ва бошقا шаҳарлар билан боғланди. Қарши-Китоб темир йўли кейинчалик (1924 йилда) қайта таъмирланган ва тикланган.

XX аср бошларида Туркистон минтақасида бўлиб ўтган шиддатли сиёсий ва ҳарбий жараёнлар Бухоро амирлиги, хусусан, Қарши воҳаси ҳаётида ҳам ўзининг ўчмас изини қолдирди. Бу ҳодисалар, бир томондан, асрлар давомида мавжуд бўлган анъаналар ва турмуш тарзини ларзага келтириб, уни вайрон қилган бўлса, иккинчи томондан, жамият тараққиётини янги йўналишдан кетишига асос бўлди.

Россиядаги Феврал инқилоби (1917) таъсирида Бухоро амири Сайд Олимхон (1881-1944) мамлакатда ислоҳотлар ўtkазиш тўғрисида 1917 йил 7 апрелда фармон чиқарди³. Лекин, у ўз фармонини ҳаётга жорий қилмади. Файзулла Хўжаев (1896-1938) бошчилигидаги Ёш бухоролик жадидлар ушбу фармон муносабати билан Бухоро шаҳрида

¹ Амлок - арабча сўз бўлиб, у «мулк» сўзининг кўплик шаклини билдиради. Бухоро амирлигидаги вилоятлар (бекликлар), туманлар қўйи маъмурӣ бўлинма - амлокларга бўлинган. Амлокларни вилоят ҳокими (бек) томонидан тайинланган амлокдор бошқарган. Амлокдор хирож йиғиш, дехқонлар етиширган ҳосилни ҳисобга олиш, солиқ тўламаганларни жазолаш, жарима солиши каби ишлар билан шуғулланиб, у мироб, амин, котиб (мирзо), оқсоқоллар ёрдамида амлок (амлокдорлик)ни идора қилган. Амлоклар ўз навбатida маъмурӣ бошқарувнинг энг қўйи бўғини - қишлоқлар ва оқсоқолликларга бўлинган.

² Населённые пункты Бухарского эмирата (Конец XIX - начало XX в.). Ташкент: Университет, 2001. С. 10.

³ Сайд Олимхон Бухоро тахтига ўтиргандан кейин 6 кун ўтгач, 1910 йил 30 декабрда чиқарган дастлабки фармонида Бухоро амирлигига ислоҳотлар ўtkазиш тўғрисида ваъда

намойиш уюштирганларидан сўнг уларга амирлик томонидан тазиик ўтказиш кучайди.

Октябр тўнтариши (1917)дан кейин совет Россияси билан Бухоро амирлиги ўртасидаги муносабатлар кескин ёмонлашди. Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети Бухоро давлатига фанимлик қилиб, амир ҳукуматини куч билан ағдаришга уринди. Большевиклар шу мақсадда Ёш бухороликларни қўллаб-қувватлашди. Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети раиси Ф. Колесов қўмандонлигидаги қизил аскарлар 1918 йил март ойидаги мамлакат пойтахти Бухоро шаҳрига ҳужум уюштирилди. Колесовнинг ҳарбий тажовузи шаҳар ҳимоячилари томонидан қайтарилди. Амир Олимхон юзага келган вазиятдан фойдаланиб, муҳолифатдаги сиёсий кучлар: Ёш бухороликлар (жадидлар) ва уларнинг тарафдорларидан ўч олишга киришди.

Файзула Хўжаевнинг таъкидлашича, Колесов воқеасидан кейин Бухорода 1500 киши ўлдирилган⁴. Садриддин Айний (1878-1954) ўзининг «Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар» (1920) асарида ёзишича, уруш ҳаракатлари натижасида Бухоро темир йўли Амировод (ҳозирги Когон яқини)дан Термизгача, Қаршидан Шаҳрисабзгача бузилган⁵. Бухородан ташқари яқин атрофдаги бекликларда, шу жумладан, Қарши, Фузор, Шаҳрисабзда кўплаб бегуноҳ кишилар жадидчиликда айбланиб, ноҳақ ўлдирилган.

Бухоро қози калони Бурҳониддин ва қўшбегиси⁶ Усмонбек Қарши ҳокимига хат ёзиб, вилоят қозиси Мирза Шарифни қаматган, унинг жияни Абдувакилни ўлдирирган ҳамда Фузор вилоятида қози бўлиб турган домла Икром (1847-1925)ни жадидларга хайриҳоҳлиги учун зинданга ташлатган ва ўғли Абдураҳмон Махсумни қатл қилдирган. Коле-

бериб, солиқларни камайтирган ҳамда уламо ва умаро, сарбозларнинг маошини оширган эди. Олимхон маъмурий ва ҳарбий соҳада ҳам турли ислоҳотларни амалга оширишга киришди. Бироқ, бу ислоҳотлар орадан кўп ўтмай тўхтатиб қўйилди ва охирига етказилмади. Шу нарса характерли ҳолки, Сайд Олимхон амир бўлмасдан олдин 1898-1910 йилларда Қарши (ўзининг ёзишича, Насаф) вилояти ҳокими бўлган эди. Олимхон Қашқадарё устидаги (Қарши яқинида) кўприк қурдирган ва бу кўприк унинг номи билан аталган. Шунингдек, у Қаршида мадраса ва масжидлар ҳам барпо этган. Бу ҳақда қаранг: Амир Сайид Олимхон. Бухоро ҳалқининг ҳасрати тарихи. Тошкент: Фан, 1991. 7-бет.

⁴ Файзула Хўжаев. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар (қайта нашри). Тошкент: Фан, 1997. 133-бет.

⁵ Садриддин Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Асарлар. Саккиз томлик. Т. 1. Тошкент: Ўздавадабийнашр, 1963. 334-бет.

⁶ Қўшибеги - бош вазир. У Бухоро амирлигига мамлакат ҳукмдори - амидан кейин турувчи энг олий нуфузли шахс ҳисобланган. Ҳозирги пайтда кўплаб тарихий адабиётларда «қўшибеги» (бош вазир) лавозимини «қўшибеги» (шикор учун мўлжалланган овчи күшлар беги, күшчибеги) лавозими билан чалкаштириб юборишади.

сов воқеаларидан кейин Фузор ҳокими Акромхон Тўра (Сайд Олимхоннинг амакиси) Шаҳрисабзга ҳоким қилиб жўнатилган. С. Айнийнинг фикрича, «Қарши ҳокими - амирнинг тоғаси 1919 йил апрел бошида Қарши музофотидан ўтаётган самарқандлик муфтий Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг рафиқлари Мулла Мардонқул ва Муҳаммадқулларни ваҳшиёна суръатда бўғиб ўлдирди...»⁷. Беҳбудийнинг ўлими фақат бир йилдан кейин ошкор бўлган.

1918 йилда Бухорода мағлубиятга учраган совет Россияси большевиклари воқеалар жараёнини ўзгартириш илинжида ўзларининг минтақада таянч кучларини тузишга интилдилар. Шу мақсадда улар ўз олдига амир ҳукуматини ағдаришни мақсад қилиб олган Ёш бухороликлардан унумли фойдаланишди. 1918 йилда Ёш бухороликлар фирмаси ичida бўлиниш юз берди. Туркистон большевиклари жадидлар ва бошқа сўл кучлар асосида 1918 йил 25 сентябрда Тошкент шаҳрида Бухоро Коммунистик партиясини (Азимжон Ёқубов - раис; Муҳаммад Қулмуҳаммедов - раис ёрдамчиси; Ҳожи Мирбобо Мирмуҳсинов - фазначи) ташкил қилишди⁸. Файзула Хўжаев Москвадаги муҳожирлик даврида - 1918 йил октябрда Туркистон Республикасининг РСФСР ҳукумати ҳузуридаги мухтор ваколатхонаси қошида Ёш бухороликлар партиясининг бўлимини тузди. Бухоро амирлигида демократик фояларни тарифиб қилиш учун ўзек ва тожик тилларида ҳар ойда икки марта чиқадиган журнал нашр қилина бошланди⁹. Бу журнал Қарши воҳасида ҳам тарқатилар эди.

Айни маҳалда совет Россияси ва Туркистон АССР раҳбарияти Бухоро амирлигини қурол кучи билан тугатиш учун жиддий тайёргарлик кўра бошлади. РСФСРнинг ҳарбий ва сиёсий кучлари: Туркистон фронти - Туркфронт (1919 йил августда ташкил қилинди), Бутун Россия МИК ва РСФСР ХКС ҳузуридаги Туркистон ишлари бўйича комиссияси - Турккомиссия (1919 йил октябрда ташкил қилинди), РКП(б) МК Туркистон бюроси - Туркбюро (1920 йил августда тузилган) мазкур вазифани бажариш ва бутун Туркистон минтақасини советлаштириш ва руслаштириш учун барча қатъий чораларни амалга оширди.

1920 йил 12 августда Туркистон фронти қўмондони М.В. Фрунзе амирликни тугатиши мақсадида 4 та зарбдор гуруҳдан иборат Самарқанд-Бухоро фронтини тузиш ҳақида буйруқ чиқарган.

⁷ Садриддин Айний. Ўша асар. 340-бет.

⁸ Ўрта Осиё коммунистик ташкилотларининг тарихи. Тошкент: Ўзбекистон, 1969. 481-бет.

⁹ Ражабов Қ. Ёш бухороликлар //Ўз МЭ. Т. 3. Тошкент, 2002. 494-496-бетлар.

1920 йил 21 августда Туркистон фронти қўмондони М.В. Фрунзе ва Туркистон фронти ҳарбий инқилобий кенгаши (Туркфронт РВС) аъзоси Ю.Иброҳимов РСФСР ҳарбий ишлар халқ комиссари Л.Д. Троцкий номига телеграмма йўллаб, Бухорони босиб олишга ҳамма нарса тайёр эканлигини маълум қилишганида, РСФСР миллый ишлар халқ комиссари И.В. Сталин бу телеграммага «Ўртоқ Фрунзе рецептига кўра зудлик билан ҳаракат қилинг», деб резолюция қўйган. Бу жумланинг остига эса РСФСР ЖКС раиси В.И. Ленин ва «Правда» газетаси муҳаррири Н.И. Бухарин «розиман» деб имзо чекишигандан¹⁰.

Қизил армиянинг Туркистон фронтига қарашли Самарқанд гуруҳи 1920 йил 29-30 августда Шаҳрисабз-Китоб йўналиши бўйлаб ҳаракат қилиб, Қарши ва Гузорни ҳам эгаллаши керак эди. Қизил аскарлар 1920 йил сентябр ойи бошларида бу шаҳарларни эгаллашди.

Хуллас, Туркистон фронти жангчилари бухороликларни қаттиқ қаршилигидан кейин мамлакат пойтахти Эски Бухоро шаҳри, Қарши ва бошқа шаҳарларни босиб олишди. Демак, 1920 йил 2 сентябрда Бухорода қизил аскарлар томонидан амирлик тузуми қурол кучи билан афдариб ташланди. Ўша куни қизил аскарлар амир қароргоҳи - Аркни эгаллаб, унинг устига ўз байроқларини тикдилар. Ўша давр воқеаларининг бевосита шоҳиди бўлган маҳаллий тарихчи Муҳаммад Али Балжувоний ўзининг «Тарихи нофей» («Фойдали тарих») асарида қизил аскарлар томонидан Бухорода амалга оширилган зўравонликларни батафсил тасвирлаб, «Бухоронинг шу даражада хароб бўлганини ҳеч бир тарих кўрмаган эди. Бухороликлар бу кунларни «кичик қиёмат» деб айтишган»¹¹, - деб чуқур қайғу-алам билан ёзган эди.

Қизил аскарлар томонидан Бухоро ва бошқа шаҳарларда қилинган зўравонлик ва талон-торожларни ҳатто, қизил армия командирларининг ўзлари ҳам эътироф қилишга мажбур бўлишган эди. Масалан, Туркистон фронти ҳарбий инқилобий кенгаши учлиги (Туркфронт РВС тройкаси) аъзоси А.Машицкийнинг 1920 йил сентябрда совет ҳукумати раҳбари В.И. Ленинга ёзган маълумотномасида Бухоро шаҳри маркази ер билан яксон қилинганлиги, Регистон ва Арк ёндирилганлиги, Арк ертўлалари ва омборхоналаридағи бойликлар - олтин ва кумуш тангалар, нодир жавоҳир тошлар (олмос, бриллиант, гавҳар ва ҳ.к.) ҳамда қимматбаҳо буюмлар таланганилиги, бу ишларни қизил аскарлар қилган-

¹⁰ Персиц М.А. Застенчивая интервенция. О советском вторжении в Иран и Бухару в 1920-1921 гг. 2-изд. М.: Муравей-Гайд, 1999. С. 82-89.

¹¹ Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофей (Фойдали тарих). Тошкент: Академия, 2001. 63-64-бетлар.

лиги очиқ эътироф этилган. Амирлик бойликлари ортилган икки эшелон (чар бирида 14 тадан вагон) зудлик билан Москвага жўнатилган. Бу бойликтинг умумий қиймати ўша пайтдаги нарх билан тахминан 77 млн. тилла сўмни ташкил этган. Бу маблағни ҳозирги баҳога чақадиган бўлсақ, тахминан 80 млрд. долларни ташкил қиласди¹².

Бутун Бухоро Марказий Инқилобий қўмитаси (Марказий Ревком) амирлик тузуми афдариб ташланганилиги ва мустақил Бухоро Халқ Республикаси (орадан кўп ўтмай у Бухоро Халқ Совет Республикаси деб номланди) тузилганилигини эълон қиласди. Собиқ амирлик ҳудудининг бошқа жойлари, жумладан, Қаршидаги янги ҳокимият тузилмаларига ҳам барча кўрсатмалар ва фармойишлар Бухоро шаҳридан жўнатиб турилган.

Қарши ва унинг атрофларида 1920 йил охиридан бошлаб, қизил армияга қарши жанглар бошланди. Бироқ, ўз мустақиллиги ва озодлигини ҳимоя қилган миллий ватанпарварлар совет режими ҳукмронлик қилган йилларда «босмачилар» деб таҳқирланган эди. Аслини олганда улар мустабид совет режимига қарши курашган истиқолчилар бўлган.

Қаршида Турди Тўқсабо ва Жўра Хўжа, Фузорда Авлиёқул каби қўрбошилар истиқолчиларнинг ҳарбий раҳбарлари ҳисобланган. 1921 йил кузида Бухорога келган туркиялик ҳарбий саркарда Анвар Пошо (1881-1922) Туркистондаги истиқолчилик ҳаракати сафига айнан Қарши яқинидаги Қилиқўл атрофида келиб қўшилган. Қилиқўлда қизил армияга қарши курашаётган Мулла Нафис қўрбоши ҳузурига келган Анвар Пошо 1921 йил 9 ноябрда Бухоро тупроғида илк марта қуидагича баёнот берган: «Орқадошлар! Туркистоннинг муқаддас дাъвоси йўлида олиб борилаётган курашга мен ҳам қўшилгани келдим. Ичингизда биз билан ҳаракат қилишни хоҳловчилар бўлса, таклиф қиласман, онт иссин!Faқат ичингизда бола-чақаси руслар қўл остида бўлганини ўйлаб андиша ва тараддуд кўрсатувчилар бор бўлса, улар ҳам очиқасига айтсин...»¹³.

1921 йилнинг охири ва 1922 йилнинг бошларида қизил армияга қарши ўтказилган ҳарбий амалиётларда Қарши шаҳри муҳим ўрин тутади. Бухоро истиқолчиларининг режаларига кўра, Мулла Абдулқаҳҳор (1884-1924) пойтахт Бухорони жанг билан эгаллаб, Фарбий Бухоро (ҳозирги Бухоро ва Навоий вилоятлари) ҳудудидан Ўрта Бухоро (ҳозирги Қашқадарё вилояти) га ўтиши, Қарши воҳасининг бош шаҳри бўлган

¹² Р а ж а б о в Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Тошкент. Маънавият, 2002. 13-бет.

¹³ Turkistanli Abdullah Receb Baysun. Turkistan milli hareketleri. Istanbul, 1945. S. 58.

Қаршини қизил аскарлардан озод қилиши лозим эди. Бу пайтда Шарқий Бухоро (ҳозирги Сурхондарё вилояти ва Марказий Тожикистон) нинг маъмурй маркази - Душанбеда турган Анвар Пошо истиқлолчилар қўшини билан Бойсунни эгаллагач, Шаҳрисабз орқали Қарши шаҳрида Мулла Абдулқаҳор қўшини билан бирлашишга қарор қилган. Ушбу режа амалга ошса, Фарбий Бухоро, Ўрга Бухоро, Шарқий Бухоро истиқлолчилари ягона муштга бирикиб, БХСР ҳудудидан босқинчи қизил армияни ҳайдаб чиқаришлари аниқ эди. Шунинг учун ҳам 1922 йил бошларида БХСР Марказий Ижроия Кўмитаси раиси Усмон Хўжа (1878-1968) муҳим стратегик манзил - Қарши шаҳрига келгач, қуролли муҳолифат (истиқлолчилар) томонига ўтди. Қарши воҳасида қизил армияга қарши курашда Турди Тўқсабо, Бўри Батош Тўқсабо, Берди Додҳоҳ, Ўтанбек каби қўрбошиларнинг ҳарбий дасталари ўзгача жонбозлик кўрсатган. Бироқ, миллий ватанпарвар кучларнинг қизил армияга қарши қаратилган бу жангларида ҳарбий ва моддий устунлик Туркистон фронти жангчилари томонида бўлганлиги учун, пировардида, улар ғолиб келишган.

Большевиклар ва қизил армия қўмандонлиги истиқлолчиларга қарши курашда қабиқ ва жирканч усуллардан кенг фойдаланган, бу билан ҳам чекланмасдан тинч аҳолини қатағон қилган. Масалан, Қарши вилояти ревкомида 1923 йил 6 сентябр куни кечқурун бўлган «махфий йифилиш» да Турди Тўқсабо, унинг қўрбошилари ва йигитларининг қариндош-уруғларини қамоққа олиш масаласи кўриб чиқилди. Натижада бир ҳафта ичida вилоятдаги истиқлолчиларнинг қўмандони Турди Тўқсабо, унинг қўрбошилари бўлган Темирхўжа Эшон, Одил Полвон Қоровулбеги, Хушмурод (Турди Тўқсабонинг ўринбосари), Ражаб Боки Қоровул (жами 12 қўрбоши) ва таниқли йигитларидан 9 кишининг барча оила аъзолари ва қариндош-уруғлари зудлик билан қамоққа олинди, уларнинг бутун мол-мулки мусодара қилинди¹⁴.

Турди Тўқсабо ва унинг қўрбошилари бу пайтда асосан, Қарши атрофидаги Бешкент, Косон ва Қамаши туманларида қизил армияга қарши курашаётган эди. Маҳаллий маъмурият томонидан агар улар ўз ихтиёрлари билан ҳукумат вакилларига таслим бўлишмаса, гаровга олинган барча кишилар отиб ташланиши айтилди. Бироқ, Турди Тўқсабо ва унинг жасур сафдошлари қуролли курашни тўхтатмагач, уларнинг қамоққа олинган бутун қариндош-уруғлари ва оила аъзолари қатл қилинди.

«Босмачилик»ка қарши кураш Марказий комиссиясининг раиси Мавлонбеков имзоси билан 1924 йил 30 майда тасдиқланган «мутлақо мах-

¹⁴ ЎзР МДА, 59-фонд, 1-рўйхат, 61-иш, 6-7-вараклар.

фий» тамғали «Ўрта Бухоро-Фарбий Бухородаги босмачилар ва зарбдор компания ўтказиш тадбирлари ҳақида Низом»га мувофиқ, 5 июлдан бошлаб «Босмачиликка қарши кураш» ойлиги ўтказишга қарор қилинди. Расмий ҳукумат бир ой давомида Ўрта Бухоро (Қашқадарё воҳаси) ва Фарбий Бухородаги бутун қўрбошилар гурӯҳларини тугатишни режалаштириди. Қизил армия томонидан асосан йирик қўрбошилар гурӯҳларига кучли ва сўнгти зарба беришга қарор қилинди.

Мазкур қарорни амалга ошириш учун Беҳбудий (Қарши) вилояти бўйича Зокиров ва Халилов, Шаҳрисабз вилояти бўйича Мирзаев ва Бобоназаров ҳукумат томонидан мутасадди этиб тайинланишди.

Бироқ, Қарши воҳасида қизил армияга қарши кураш 1924 йилдан кейин ҳам анча йиллар давом этган. Масалан, 1924 йил 15-23 декабрда Қарши атрофларида Мустафоқул қўрбоши ўзининг 350 кишилик бешта дастаси билан қизил аскарларнинг бир нечта отрядини қириб ташлади. Кейин улар Бойсун томонга ўтиб кетишган¹⁵. 1934 йил Беҳбудий (Қарши) шаҳридаги Файзулла Хўжаев номли клубда Бешкентда қуролли кураш олиб борган 24 киши «босмачи» сифатида суд қилинган ва улардан 5 киши отишга, қолганлари узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинган¹⁶.

1920 йил кузида БХСРда дастлабки маъмурий-ҳудудий бўлиниш ўтказилиб, у вилоятлар, туманлар, кентлар, амлоклар ва қишлоқларга ажратилган эди. Қарши воҳасида 3 та вилоят (Беҳбудий, Фузор ва Шаҳрисабз) ташкил қилинган. Беҳбудий (Қарши) вилоятига Бешкент, Косон, Чим туманлари; Фузор вилоятига эса Фузор, Тангиҳарам (ҳозирги Деҳқонобод), Янги туманлари; Шаҳрисабз вилоятига Китоб, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманлари кирган¹⁷. 1921-1937 йилларда Қарши шаҳри ва вилояти таниқли тараққийпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий шарафига Беҳбудий деб аталган.

Бироқ, БХСРдаги маъмурий-ҳудудий бўлиниш мавжуд ижтимоийсиёсий ва иқтисодий вазиятга биноан тез-тез ўзгариб турган. 1922 йил 22 августда БХСР 7 та вилоятга, жумладан, ҳозирги Қашқадарё воҳаси Беҳбудий ва Шаҳрисабз вилоятларига бўлинган¹⁸. Бутун Бухоро МИК қарори билан 1924 йил 1 октябрда Бухоро Республикасида маъмурий-ҳудудий бўлиниш қайта ўтказилиб, вилоятлар 5 та округга бирлаштирилган. Қашқадарё округи 2 та вилоят (Беҳбудий, Шаҳрисабз), 9 та

¹⁵ Пограничные войска в СССР. 1918-1929. Сборник документов. М.: Наука, 1973. С.610.

¹⁶ Э р г а ш е в Э. Бешкент тарихи. Қарши: Насаф, 2000. 35-бет.

¹⁷ Населенные пункты Бухарского эмирата (Конец XIX - начало XX в.). С. 184.

¹⁸ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 343 а-иш, 13-варақ.

туман (Қарши, Косон, Бешкент, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Чироқчи, Фузор, Чим) га ажратилган¹⁹.

1920-1924 йилларда Қарши воҳаси иқтисодиётида маълум жонлашиш кўзга ташланган. БХСР ҳукумати янги саноат корхоналари қурилишига жиддий эътибор қаратган. Шу билан бирга аҳолидан олинадиган солиқлар амирлик даврига нисбатан анча камайтирилган. Масалан, БХСР Марказий Ревкоми раиси Абдулқодир Мұхитдинов, раис котиби Абдулҳамид Орипов, саркотиб Содиқ Маҳмудий имзолари билан 1920 йил 14 октябрда қабул қилинган озиқ-овқат тақсимоти (продразвёрстка) ҳақидаги «Озуқ андозаси ва унинг миқдори, нархи хусусида» чиқарилган қонун (декрет)да кўрсатилишича, «Қаршига: Косон, Шаҳрисабз, Чироқчи, Китоб, Яккабоғ билан буғдои - 525.000 пуд²⁰, беда - 193.000 пуд, арпа - 669.000 пуд, майиз - 73.000 пуд» миқдоридаги озиқ-овқат солиғи (озуқ андози) аҳоли зиммасига юклатилган. Ўша ҳужжатда ёзилишича, «Қарши учун бир пуд буғдоининг нархи - 268 сўм, арпа - 160 сўм, майиз - 2400 сўм, жўхори - 190 сўм, беда - 100 сўм» қилиб белгиланган²¹. 1923 йилда Қарши аҳолисидан 452.533 сўм (5 % ҳисобида закот солиғи) ва 14.696.100 сўм (патент йифими) - ҳаммаси бўлиб 15.148.653 сўм солиқ ундирилган²².

Ҳолбуки, Бухоро амирлигининг охирги даврида (фақат 1919-1920 ҳўжалик йилида) Қарши вилояти аҳолисидан 65 000 ботмон²³ дон, 5.500.000 танга (кумуш танга ҳисобида); Фузор вилояти аҳолисидан 10.600 ботмон дон, 540.000 танга; Шаҳрисабз вилояти аҳолисидан 15.300 ботмон дон, 130.000 танга; Яккабоғ вилояти аҳолисидан 7.050 ботмон дон, 50.000 танга; Китоб вилояти аҳолисидан 10.000 ботмон дон, 130.000 танга; Чироқчи вилояти аҳолисидан 5.200 ботмон дон, 50.000 танга амлок ва хирож солиғи сифатида тўплаб олинган эди²⁴.

1923 йилда БХСР ҳудудида ишлаб турган 300 га яқин бозорнинг 16 таси Қарши ва Фузорда, 19 таси Шаҳрисабзда бўлган²⁵.

1924 йил охирида Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўtkазилиши натижасида Бухоро Республикаси тугатилди. Унинг ҳуду-

¹⁹ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 186-иш, 284-варақ; И ш а н о в А.И. Бухарская Народная Советская Республика. Ташкент: Узбекистан, 1969. С. 324-325.

²⁰ Бир пуд - 16 кг га тенг оғирлик ўлчови бирлиги.

²¹ Бухоро аҳбори. № 8. 1920 йил 21 ноябр; ЎзР МДА, 46-фонд, 1-рўйхат, 122-иш, 11-варақ ва унинг орқаси.

²² ЎзР МДА, 50-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 17-варақ.

²³ Бир ботмон (манн) - 8 пуд (131 кг) га тенг оғирлик ўлчов бирлиги.

²⁴ Қаранг: ЎзР МДА, 50-фонд, 1-рўйхат, 13-иш, 16-варақнинг орқаси; И-126-фонд, 1-рўйхат, 90-иш, 73-варақ.

²⁵ ЎзР МДА, 50-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 175-варақ.

ди жумладан, Беҳбудий ва Шаҳрисабз вилоятлари (Қашқадарё округи) янги ташкил этилган Ўзбекистон ССР (ЎзССР) таркибига киритилган.

1925 йил 29 январда Ўзбекистон ССРда маъмурий бўлиниш жорий қилинди. Қашқадарё вилояти ЎзССРда тузилган дастлабки 7 та вилоятнинг биттаси бўлиб қолди. 1926 йил 29 сентябрда Ўзбекистон ССРда ягона маъмурий бўлиниш ўтказилиб, маъмурий-иқтисодий районлаштириш амалга оширилди. Вилоятлар тугатилиб, уларнинг ўрнига округлар тузилди. ЎзССР таркиби 10 та округ, иккита махсус туман (район) ва Тожикистон АССРдан иборат бўлган. Хуллас, ЎзССРда тузилган дастлабки 88 та туман (район) таркибида Қашқадарё округининг 8 та тумани (Косон, Бешкент, Чироқчи, Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Фузор, Тангиҳарам) ҳам бўлган²⁶.

Бироқ, ЎзССРда маъмурий-ҳудудий бўлинишдаги ўзгаришлар кейинчалик ҳам давом этган. 1930 йил 17 августда ЎзССРда округларга бўлиниш бекор қилинди. Бироқ, 1935 йил февралда Қашқадарё округи қайта тикланган. 1938-1943 йилларда Қашқадарё воҳаси Бухоро вилояти таркибида бўлган. 1943 йил 20 январда Қашқадарё вилояти (маркази - Қарши шаҳри) тахминан ҳозирги чегарасида ташкил қилинди. 1960 йил 25 январда у Сурхондарё вилояти таркибига қўшилган. Қашқадарё вилояти 1964 йил 7 февралда қайта ташкил қилинган.

1927-1929 йилларда Қашқадарё округида ер-сув ислоҳоти амалга оширилган. Ер-сув ислоҳотини ўтказиш жараённида совет ҳукумати ўзига тўқ дехқонларни «қулоқ» сифатида бадарға қилиш учун замин тайёрлаган. 1930 йил 26 январда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси (раиси - И.А. Зеленский) ўз мажлисида «Қулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ тадбирлар тўғрисида»ги масалани кўриб чиқади. Хуллас, большевиклар томонидан навбатдаги қатағонлар тўлқини «қулоқлар» ни синф сифатида тугатиш компанияси бошлаб юборилади. Қарши ва унинг атрофларида яшовчи ўзига тўқ ва ўртаҳол дехқонларнинг аксарияти ушбу қатағонларнинг қурбони бўлишди. Қаршилик дехқонлар бундай шароитда кўпгина ҳолларда совет тузумига қарши стихияли равишда норозилик билдириллар. Масалан, 1928-1930 йилларда Қашқадарё округида 48 марта (фақат 1929 йилда 42 марта) дехқонларнинг оммавий норозилик фалаёнлари кўтарилилган²⁷. Дехқонлардан тортиб олинган ерлар ҳисобидан жамоа хўжаликлари (колхозлар),

²⁶ Қаранг: Всесоюзная перепись населения 1926 года. Т. XV. Узбекская ССР. Отдел I. Народность, родной язык, возраст, грамотность. М.: ЦСУ, СССР, 1928. С. 4-5; Районы УзССР в цифрах. Самарканд, 1928.

²⁷ Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. Тошкент: Шарқ, 2003. 51-бет.

давлат хўжаликлари (совхозлар), ширкатлар ва артеллар тузилган. Бу пайтда Беҳбудий шаҳрининг атрофида Бешкент (маркази - Бешкент қишлоғи), Косон (маркази - Косон қишлоғи), Фузор (маркази - Фузор қишлоғи) туманлари мавжуд бўлган.

Архив ҳужжатларида келтирилишича, 1932 йилда Беҳбудийдан 30, Фузордан 50, Косондан 180 хўжалик «қулоқ» сифатида сургун қилинган²⁸. Хуллас, совет режими бу гал ҳам ўзининг халқча қарши қаратилган сиёсатини зўравонлик билан амалга оширган.

1935-1939 йилларда Бутуниттифоқда бўлган оммавий қатағон сиёсати Ўзбекистон ССР таркибидаги Қарши воҳасини ҳам четлаб ўтмади. Совет тузуми бу гал йирик сиёsat ва жамоат арбоблари, хўжалик ходимлари, таниқли зиёлилар билан бир қаторда оддий халқ вакиллари (дехқонлар, ишчилар, хизматчилар, диндорлар ва ҳ.к.)ни ҳам оммавий равишда қатағон қилган.

Хуллас, Қарши шаҳри Қашқадарё воҳаси ва вилоятининг маркази сифатида XX аср 30-йилларидан бошлаб, хўжалик юритишининг социалистик услуби, режали тизим ҳамда қаттиқ марказлаштирилган халқ хўжалиги бошқаруви негизида ривожланди. Бу ҳолат то 1991 йилгача давом этди. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши билан Қарши шаҳри тарихининг энг янги саҳифалари – унинг мутлақо янги даври бошланди.

K.Radjabov

Город Карши в первой половине XX века: социальное развитие и проблема

В статье прослеживается история города Карши 1900-1940 гг. На основе архивных источников и документов периодической печати, опубликованных в те годы, освещается три периода истории города Карши: Бухарский Эмират, Бухарская Народная Советская Республика (БХСР) и первые десятилетия советского периода.

K.Radjabov

Karshi city in the first half of the nXXth century: Social development and problems

This article is about the history of Karshi city in the period of 1900-1940s. Author on the base of archival sources and periodical documents which have been published in that time intended to create three periods of Karshi city: Bukhara emirate, BPSR (Bukhara People Soviet Republic) and first decades of the soviet period.

²⁸ ЎЗР ПДА, 58-фонд, 8-рўйхат, 301-иш, 34-39-варақлар.

Этнология муаммолари

O. Бўриев

НАХШАБ-ҚАРШИ ВОҲАСИДАГИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАР ТАРИХИДАН

Қашқадарёning юқори ва қуий оқими қадимги ва илк ўрта асрларда Суғднинг бир қисми ҳисобланган. Ўзига хос иқтисодий, маданий ва этник тараққиётга эга бўлган Қашқадарё воҳасини араб муаллифлари Кеш ва Насаф (Нахшаб) вилоятларига бўлишган. Табиийки, географик ва маъмурӣ жиҳатдан воҳанинг юқори қисми Кеш, қуий ҳудудлари эса Насаф вилояти таркибига кирган эди. Минтақада салоҳиятли вилоят ҳисобланган Нахшаб-Қарши воҳасида содир бўлган ўзига хос этник жараёнлар жуда ҳам қизиқарлидир.

Археологик-этнографик маълумотларга кўра, Қарши воҳасида одамлар азалдан ҳаттоки, ибтидоий даврдан бошлаб яшаб келганлар. Милоддан аввалги II мингинчи йиллардан то милоднинг бошларига қадар воҳада индоарийлар, шаклар, сугдийлар, юечжилар, қанғарлар ва бошқа этнослар тирикчилик қилганлар. Мазкур этнослар баъзи гуруҳларининг бошқа ҳудудларга кўчиб юриши жараёнлари содир бўлган. Аммо, уларнинг аксарияти Қашқадарё воҳасида, жумладан, Нахшаб шаҳри унинг атрофида азалдан турғун яшаб қолганлар.

Милоддан аввалги II асрнинг 70-йилларида Кан (Зарафшон дарёсининг ўрта оқими) ва Қашқадарё воҳасидаги Сусе (Сусей) ёки Ши вилояти Қанғ давлати таркибида эди. Вилоятни Қанғ ҳукмдорлари хонадонига қарашли кишилар идора этишган. Милоддан аввалги II асрнинг охири- милодий I-II асрлар давомида Сирдарё соҳилларидан Қашқадарё воҳасига қанғар этноси гуруҳлари келиб жойлашган.

Академик К.Шониёзовнинг маълумотича, Ши вилоятининг жануби-ғарбий чегараси ҳозирги Қарши ҳудудларига яқин бўлган. Айрим даврларда, эҳтимолки VI-VII аср ўрталаригача Қарши тумани ҳам Ши вилояти таркибига кирган. Хитой солнномаларида Нашебо (кичик Ши) нинг эгаллаб турган ерлари олдинги Тухоло (Тоҳаристон)га қарашли бўлганилиги қайд этилади.

Дарҳақиқат Нашебо вилояти милодий I-V асрларгача Тоҳаристонда ҳукмронлик қилаётган Кушонлар қўлида бўлган. Ниҳоят Ши вилояти кучайиб, VI асрнинг охирида Насаф вилоятини ўзларига тобе этганлар. Ҳокимлари ябғу (жабғу) унвонига эга бўлиб, Кан (Самарқанд вилояти)

ҳокимлари уруғларидан эди. Аҳолисининг асосий қисми ўтроқ ҳолда яшаб, дәҳқончилик билан шуғулланган. Урф-одатлари ва удумлари кўпроқ Кан аҳолисига ўхшаш бўлган. Бу ҳолат Қашқадарё воҳаси ва Зарафшон водийси аҳолиси этномаданияти бир-бирига жуда яқин эканлигидан далолат беради¹.

Милоддан аввалги биринчি милодий I-III асрларда юечжиларнинг кўпчилик қисми ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий ҳудудларига жойлашадилар. Уларнинг бир қисми эса Қашқадарё воҳасида жумладан, Боло-Қарши шаҳри атрофларида ўрнашадилар.

Академик К.Шониёзовнинг таъкидлашича, юечжи қабилаларининг бир қисми милодий 417-418 йилларда қўшни жужанлар (шимолий Хитой ва тобослар томонидан тор-мор қилинган санби ва хун гуруҳларидан ташкил топган этник уюшма) билан ўзаро низолар туфайли шарқий Туркистонни тарқ этишиб, беш аср муқаддам кетган ўз аждодлари изидан Фарфона ва Суғдиёнага, сўнгра 420 йилда эса Қашқадарё воҳасига келганлар. Уларнинг бош қароргоҳи Боло шаҳрида жойлашган эди².

Милодий I асрда Кушон давлатининг маркази Тоҳаристонда жойлашган бўлиб, унинг сиёсий ҳаётида юечжилар сезиларли ўринга эга бўлишган. Маълумотларга кўра, Насаф вилояти I- II асрларда Тоҳаристонда ҳукмронлик қилган Кушонлар тасарруфида эди.

Хионийлар ва эфталийлар даврида (IV-VI аср ўрталарида) Ши вилояти ниҳоятда обод ва маданий жиҳатдан ривожланган воҳа ҳисобланган. Бу ҳудуддаги йирик шаҳарлар (жумладан, Ши-Ношиболо (Боло) ва қишлоқларда аҳолининг асосий қисми турғун тарзда яшаб, дәҳқончилик ва ҳунармандчилик билан тириклик қилганлар. Воҳада қолган хионийлар ва эфталийларнинг ҳам аксарият қисми ўтроқлашиб, уларнинг маҳаллий аҳоли таркибига қўшилиб кетиш жараёни содир бўлган.

Араблар салтанати (VIII-IX), Угуз (VIII-X), Қарлуқ (IX-X) давлатлари ва Сомонийлар бошқаруви даврида (IX асрнинг иккинчи ярми-X аср) Мовароуннаҳр жумладан, Қашқадарё воҳаси аҳолисининг этник таркибida сезиларли ўзгаришлар деярли бўлмаган дейиш мумкин. Бу вақтда воҳага асосан, айрим араб этник гуруҳлари келиб жойлашган, холос. Араб муаррихи Самъоний (1113-1167) Кеш билан Насаф оралиғидаги Навқад Қурайш қишлоғи ҳақида маълумот берган. Равшанки, Қурайш йирик араб қабилаларидан бирининг номини англатади. Бу араб қабилаларининг маълум гуруҳлари VIII-IX асрларда Қашқадарёнинг ўрта ва қўйи оқимларида жойлашган. Уларнинг баъзи гуруҳлари Амударё-

¹ Шониёзов . К. Қанғ давлати ва қанғлилар Тошкент: Фан, 1991, 57-59-бетлар.

² Шониёзов . К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент: Шарқ, 2001. 132-бет.

нинг ўнг соҳилига ўтишиб, Қарши чўли ва Самарқанд вилоятида (асосан, Каттақўрғон атрофларида) кун кечиришган.

Шунингдек, академик К.Шониёзов ҳам Кеш вилоятидаги шаҳарлардан бири Кеш билан Насаф оралиғида жойлашган Навқад Қурайшни тилга олган. Шаҳарга “қурайш” сўзининг кўшилиб айтилишидан араблар Мовароуннаҳрни тобе этган даврлардан (VIII асрнинг биринчи ярми) уларнинг қурайш қабиласидан бир гуруҳи Навқадга ўрнашиб қолган бўлиши мумкин. Арабларнинг илк бор келган қисмлари туб ерли аҳолига батамом аралашиб ва сингишиб кетишган. Аммо, кейинги даврда бу ҳудудларга уларнинг янги гуруҳлари ҳам келиб ўрнашишган.

IX асрнинг бошларида Қарлуқ қорахитойлари Мовароуннаҳрни батамом эгаллагач, бу ҳудудга кўплаб этник гуруҳларнинг кўчиб келиши тезлашган. Шу аср мобайнида Сирдарё соҳилларидан Еттисув ва Шарқий Туркистондан қарлуқ, чигил, халаҷ, арғу, тухси каби этник гуруҳлари ҳам келиб жойлашишган. Жумладан, уларнинг баъзилари Қарши воҳасида яшаб қолиб, маҳаллий аҳолига қўшилиб кетишган. Манбалар X-XI асрларда Насафда 30 минг киши истиқомат қилганлигидан далолат беради.

XII-XIV асрнинг биринчи ярмида мўғуллар ҳукмронлиги даврида ҳам Қарши воҳасига кўплаб мўғул ва туркийлашган қавмлар келиб жойлашган. Масалан, барлослар Қашқадарёнинг юқори оқимларида қовчинлар, қўнғиротлар эса Фузор ва унга туташ ҳудудларда ўрнашган. Шунингдек, Қашқадарёнинг ўрга ва қуий оқимларида бир неча турклашган мўғул қавмлари: манғит, орлот, уйрот, олчин, мўғул ва бошқалар келиб яшашган.

Мазкур қабилалар кўчманчи тарзида ҳаёт кечиришган, лекин маҳаллий аҳоли таъсирида уларнинг аксарият қисми шу асрларда ярим ўтроқликка ўтишиб, чорвачилик ҳамда дәҳқончилик билан ҳам шуғулланишган. Бу қабилалар XIV асрнинг ўрталарида ўз тилларини унтишиб, туркий тилда сўзлашишган. XIV асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёга келган араб сайёҳи Ибн Баттутанинг ёзишича “Нахшаб боғлар ва ариқлар ила қуршалган мўъжаз шаҳардир”. Унинг маълумотича Чифатой улуси фарбий қисмининг ҳукмдори, тўғрироғи Насаф шаҳри ҳокимлари Кебекхон (1309;1318-1326) ва Тармасирин (1326-1334) турк тилида эркин гаплашишган³.

Амир Темур ва темурийлар даврида (XIV-XV асрлар) Қашқадарё воҳасига келиб ўрнашган этник гуруҳларнинг сони анча ошган. Соҳибқирон тузукларида шундай фикрлар мавжуд: “Қарамоғимдаги қирқ

³ Иброҳимов Н. Б. Шарқ баёзи, 1993, 66-69-бетлар.

аймоқдан (қуидаги) ўн иккитасига тамға берилсинки, булар менинг хос навкарларимдан бўлиб ҳисоблансанлар: барлос, тархон, арғун, жалоир, тулкичи, дулдай, мўғул, сулдус, туғой, қипчоқ, орлот, тотор. Тамға етмаган йигирма саккиз аймоқ бошлиqlарига улус амирлигини бердим”⁴. Кўриниб турибдики, мазкур қавмларнинг баъзилари (барлос, арғун, қипчоқ, орлот, мўғул) Қарши воҳаси аҳолисининг аксарият қисмини ташкил этишган.

XVI асрдан бошлаб, Мовароуннаҳрга Даشت қипчоқдан 20 дан зиёд қавмни кириб келиши жараёнида уларнинг анчагина қисми (қўнғирот, сарой, найман, қарлуқ, қипчоқ, дўрмон, месит, батош, хитой, мажор ва бошқалар) Қарши шаҳри ва унинг атрофларида чўл ҳудудларида жойлашишган ҳамда маҳаллий туркий тилли аҳоли таркибига қўшилиб кетишган.

XVIII асрда Қарши воҳасида манғитлар, хитойлар ва қипчоқлар устувор мавқега эга бўлишиб, мустақил тарзда турмуш кечиришган. Мазкур қавмларнинг аксарияти XIX асрнинг охири–XX асрнинг бошларида ярим ўтроқ ҳолда яшашиб, чорвачилик ҳамда лалмикор деҳқончилик билан машғул бўлишган.

Юқорида Насаф воҳасида қарлуқларнинг жойлашиши жараёни ҳақида тўхталган эдик. Қарши қалъасининг жанубида ҳозиргacha сақланиб қолган Қарлуқхона маҳалласининг дарвозаси ҳам Қарлуқ дарвозаси деб аталган. XIX асрнинг 30-йилларида қарлуқлар Қаршининг мазкур маҳалласида жуда кўпчиликни ташкил этишган. Шаҳар аҳолиси уларни «қовоқ гулли қарлуқлар» деб ҳам аташган. Боиси мазкур маҳалла аҳолиси XIX асрнинг охирларида Қарши беклигига кўтарилиган исёнда қатнашиб, бошқалардан ажralиб туриш учун чеккаларига қовоқ (коди) гулини қистириб олишган эди. XIX асрнинг охири–XX асрнинг бошларида қарлуқхоналиклар шаҳар аҳолисига аралашиб, этник номларини деярли батамом унугланлар, албатта.

XX асрнинг 50-йилларидағи К.Шониёзов этнографик текширувлари даврида мазкур маҳаллада фақат икки нафар қариягина ўз аждодларини қарлуқ эканлигини аранг эслашган, холос. Ёшлар эса бу ҳақда ҳеч нарса айта олишмаган⁵.

Рус элшунос олимаси О.А. Сухареванинг ёзишича, XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида Қарши шаҳрида 2,5-3 мингтacha хонадон мавжуд бўлиб, унинг ҳар бирида ўртача 6 нафар жон яшаган бўлса, жами 15-18 минг киши истиқомат қилган. 1926 йил аҳоли рўйхати маълумот-

⁴ Қаранг: Темур тузуклари. 1991, 86-бет.

⁵ Шониёзов . К. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. Тошкент: Шарқ, 2002. 151-бет.

ларига кўра шаҳардаги 3007 хўжаликда 4062 оила яшаган. Аҳолининг умумий сони 15198 кишини ташкил этиб, шундан 11267 киши ўзбеклар, 3097 киши рус, украин ва бошқа ҳалқлар эди⁶.

Қарши шаҳри аҳолисининг асосий қисми ўзбеклар ҳисобланиб, турли уруғ-қабилаларга бўлинган. Лекин, давр ўтиши билан маҳаллий ўзбекларнинг бир-бирларига қўшилиши ва аралашиши туфайли шаҳарнинг кўпчилик аҳолиси ўз қавмларини унтишган. 1927 йилда Қарши шаҳрида тадқиқотлар олиб борган антрополог олим Л.В.Ошанин аҳолининг кўпчилиги ўзининг келиб чиқишини билмаганлигини аниқлаган эди. Масалан, сўралган 200 кишидан 57 таси ўз уруфини умуман айта олишмаган. Шаҳарда азалдан яшаган туб аҳоли 39,5 фоизни, теварак-атрофдан келганлар эса 60,5 фоизни ташкил этишган.

Қарши вилояти Бухоро хонлиги сулоласи қавми - манғитлар асосан (тўқ манғитлар) кўпчилик яшаган ҳудуд ҳисобланган ҳамда шаҳарда қовчинилар, саройлар, шарқий ҳудудларида эса қўнғиротлар истиқомат қилишган. Шаҳардаги тожиклар маҳаллий ўзбеклар билан аралашиб кетишган ва уларнинг кўпчилиги ўз тилларини ҳам унтишган. Лекин, шаҳарнинг баъзи гузар ва дарвозалари тожикча номланган. Воҳага турли даврларда келган этник гуруҳларнинг аксарияти Қарши шаҳри маҳаллий аҳолисининг таркибиға кириб, уларга батамом аралашиб кетишган.

Шаҳарда эронийлар (50-60 хонадон), уйғурлар (287 киши) ва яхудийлар ҳам яшашган. Уйғурларнинг эса шаҳарга қаҷон келиб қолганликлари номаълум. Қарши шаҳрида ва унинг атрофидаги ҳудудларида (Арабхона, Кўчкақ, Каклаҳ, Пўлати, Жейнов қишлоқларида ва Косон шаҳрида) араблар ва туркманлар (Помуқ, Чандир қишлоқларида ҳамда Муборак атрофларида) ҳам яшашган. Шунингдек, шаҳарда руслар (2773 киши) ва Россиядан кўчиб келган украинлар, яхудийлар, немислар, татарлар, арманлар ҳамда шаҳар атрофида эса лўлилар ҳам кун кечиришган.

Хуллас, Нахшаб-Қарши шаҳри қуйи Қашқадарё воҳасидаги бошқа шаҳар ва қишлоқлар қадимда ўрта асрларда ва кейинги даврларда яшаган маҳаллий туб аҳолидан ташкил топган эди. Шунингдек, воҳа аҳолиси таркибиға ўтмишда ярим ўтроқ тарзда ҳаёт кечирган турли этник гуруҳлар ҳам кирган. Мазкур қавмлар турғун аҳоли таъсирида астасекин ўтроқлашиб, уларга ўзаро яқинлашиб, чатишиб Қарши шаҳри ва атрофидаги қишлоқлар аҳолиси сонини тобора ошишига ҳамда туб аҳолининг жумладан, ўзбекларнинг этник жиҳатдан янада уюшиб, салоҳиятли миллат сифатида шаклланишига самарали таъсир кўрсатди.

⁶ Бу ҳақда қаранг: Суҳарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. Ташкент, 1958. С. 118-119.

O.Буриев

ЭТНИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ НАСЕЛЕНИЯ ГОРОДА НАХШАБ-КАРШИ

В статье рассматриваются этнические особенности населения города Нахшаб-Карши, расположенного на юге Узбекистана. На основе археологических и этнографических материалов освещаются этапы формирования и развития населения данного города, а также его этнический состав в конце XIX-начале XX в.

O.Buriev

THE ETHNIC PECULIARITY OF THE POPULATION OF THE TOWN NAKHSHAB-KARSHI

Present article consider ethnic peculiarities of the population of the town Nakhshab-Karshi, which is situated the southern part of Uzbekistan the bases of archaeological ethnographic materials brightened the age of stages forming and the development of the population of this town. Also, a majority of the population of the city Karshi were-Uzbeks (mangits, khtays, kipchaks, pygmies, sarays), Tadzhiks, Arabians, Turkmens, Uighurs, Iranians, at the end of the XIXth and at the beginning of the XXth centuries.

С. Давлатова

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА МАТО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**АНЬАНАЛАРИ****(XIX аср охири – XX аср бошлари)**

Кийим-кечаклар ва улар учун зарур бўладиган мато тайёрлаш ҳар бир халқнинг миллий руҳиятини ва эстетик дидини ҳамда маънавий маданиятининг ўзига хос хусусиятларини муҳим кўзгуси демакдир. Зеро, моддий маданиятнинг асосий компонентларидан бири бўлган халқ анъанавий кийимлари улар хўжалигининг асосий йўналиши ва этнос турмуш тарзи билан боғлиқ ҳолда шаклланиб борган. Анъанавий кийимлардаги ўзига хослик ва умумийлик кўп жиҳатдан кийимлар тайёрлана-диган матоларнинг турлари, мато тўқишида ишлатиладиган ҳом ашёлар ва уларни ишлаб чиқариш жиҳатларига ҳам боғлиқ бўлган.

Археологик маълумотларга кўра, Ўрта Осиёда тўқимачиликнинг вужудга келиши тош асри – илк неолитга бориб тақалади. Асосан, бу даврда Копеттог' этакларида (Жойтун маданияти) тўқув дастгоҳларини қолдиқлари аниқланган. Бунга кўра чорвачилик ривожланган бўлиб, тўқимачиликда жун асосий ўрин тутган. Мил.авв. VI асрда кийимлар тайёрлашда жун матолари тери матоларини деярли сиқиб чиқарган. Мил.авв.

2 минг йилликка оид кийим қолдиқларини археолог А.Асқаров томонидан бронза даврига оид Сополлитепадан топилган. Аммо, Ўрта Осиёдан алоҳида аҳамиятга эга бўлган қадимги тўқимачилик қолдиқлари топилмаган бўлса-да, туаш тарихий-маданий миintaқаларда кузатилган ашёлар энеолит давридан бошлаб тўқимачиликнинг юқори даражада ривожланганлиги ҳақида тасаввур беради¹. Илк ўрта асрларда V–VII асрларда Ўрта Осиёда ипакчилик марказлари пайдо бўлган.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Ўрта Осиё миintaқасида тўқимачилик энг ривожланган ҳунармандчилик тармоғи ҳисобланган. Бу даврда Бухоро, Марғилон, Наманган, Самарқанд, Кўқон, Хива, Ургут, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб шаҳарлари ўзларининг матолари билан машҳур бўлган бўлиб, хусусан, бу ерда қалами, олача, сўси, чит, бекасам*, банорас, адрас, атлас, шойи, баҳмал каби матоларни ишлаб чиқариш тараққий қилган. Шунингдек, жунли матолар-шол, босма, қоқмадан турли устки кийимлар тайёрланган. Агар XIX – XX аср бошларида Ўрта Осиёнинг хўжалик турмуш тарзи деҳқончиликка ихтисослаштирилган аҳолиси асосан ип-газлама матолардан халқ истеъмоли моллари, хусусан, кийим тайёрлаган бўлсалар, хўжалиги чорвачиликка ихтисослашган кўчманчи, ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ аҳоли орасида эса бундай буюмлар кўпроқ жун ва теридан тайёрланган. Ўз ўрнида шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ўрта Осиё халқларида уй шароитида ип-газлама, ипакли ва ярим ипакли (нимшойи) ҳамда жун ва теридан матоларни тайёрлаш жараёни айрим тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлиб, улар ўзларининг тадқиқотларида матоларни тўқиш, турли-туман ранглар бериш технологияси ва ушбу жараёнларда иштирок этувчиларнинг вазифалари ҳақида тўхталиб ўтганлар². Лекин, афсуски

¹ Майтдинова Г. Раннесредневековые ткани Средней Азии. Душанбе, 1996. С.4-5 .

* Бекасаб, биқасаб, биқасам-ярим ипакли йўл-йўл мато номи. Қисқача айтганда мато йўл-йўлини энини аниқлаш билан белгиланади. Масалан, банорас - эни 1 мм қисқаликда йўл-йўл мато; басма йўл-йўлининг эни 18 смгacha бўлган мато. Қаранг. Фахретдинова Д.А. Декоративно - прикладное искусство Узбекистана. Ташкент, 1972. С.157.

² Сухарева О.А. Художественные ткани // Народное декоративное искусство Советского Узбекистана. Текстиль. Ташкент, 1954. С. 13–37; Кармышева Б.Х. Ткачество и прядение у народов южных районов Таджикистана и Узбекистана (XIX - начало XX в.) // Проблемы типологии и этнографии. М., 1979. С. 258; Махкамова С.М. Узбекские абревые ткани. Ташкент, 1963; Томина Т.Н. Ткани в одежде кочевых и полукочевых народов Средней Азии // Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана. М., 1989. С. 228-252; Смашко (Томина) Т.Н. Ткани в одежде киргизов (вторая половина XIX - начало XX в.) // Костюм народов Средней Азии. М., 1979. С. 211–228; В е ж е . Ткани домашнего производства в одежде туркмен Северо-Западного Хорезма в конце XIX - начале XX в. // Новое в этнографических и антропологических исследованиях Института этнографии в 1972. М., 1974. Ч. I.; Ўша муаллиф. Ткани в одежде каракалпаков в конце XIX – начале XX в. //

мазкур ўзига хос ва қизиқарли мавзу республикамизнинг миллий анъаналари ҳамда ўзига хос локал маҳаллий хусусиятлари билан ажralиб турувчи тарихий-этнографик миintaқалардан бири – Қашқадарё воҳаси мисолида ҳозиргача ўрганилмаган. Маълумки, Қашқадарё воҳасининг ўтроқ аҳолиси қадимдан дехончилик, ҳунармандчилик билан шуғулланган. XX аср бошларидағи сайёҳлар тасаввурига кўра, ҳунармандчилик Қашқадарё воҳасининг маркази ҳисобланган Қарши шаҳрида ҳаттоки, Бухорага қараганда ҳам тараққий этган³. Қаршида ҳунармандчилик соҳаларидан айниқса, мато тўқиши ривожланган бўлиб, Қарши олачалари жуда ҳам машҳур бўлган. Н.Ханиковнинг таъкидлашича, мато тўқиши шаҳар аҳолиси орасида энг машҳур бўлган касблардан бири ҳисобланган⁴. Ҳиндистонлик сайёҳ Абду-ур Рауфнинг ёзишича, олача тўқишида Қарши тўқувчиларига тенг келадиган усталар бўлмаган⁵. Бундан ташқари, Қаршида уйда (уй ҳунармандчилиги) мато тайёрлаш ниҳоятда ривож топган. Воҳада ишлаб чиқарилган матолар биринчи на вбатда ранглар гўзаллиги билан фарқланиб турган. Санъатшунос олима С.Маҳкамованинг ёзишича, фиждувонлик ва қаршилик усталарнинг бўёқлари анча бой, майин рангларнинг туслари ҳам хилма-хил эди. Гарчи, усталар олти-етти хил рангдан фойдаланган бўлсалар-да, тўқилган беқасамлар киши кўзига анча сипо кўринарди⁶.

Воҳада олача тўқишидан ташқари ипакли матоларни тайёрлаш ҳам ривожланган. Ипакли матоларни тайёрлашда асосий хом ашё бўлган пиллакашлик билан асосан аёллар уй шароитида шуғулланишган. Жумладан, Шаҳрисабзда маҳсус пиллакашлик устахоналари бўлиб, мазкур устахоналарда асосан аёллар, кўпинча келинлар шуғулланишган⁷.

XX аср бошларида Шаҳрисабзда бўлган сайёҳ И.Бекчурин бу ерда ўрик, шафтоли, нок, анор, бодом, ёнғоқ, узум каби мевали дарахтлар билан бирга япроқлари ипак қурти боқишида ишлатиладиган тут дарахти ҳам борлигини кўрсатиб ўтади⁸.

Этнография каракалпаков XIX – начала XX в. // Материалы и исследования. Ташкент, 1980; ва бошқалар.

³ Ауд-ур-Рауф. Рассказы индийского путешественника (Бухара как она есть), Самарканд, 1913. С. 60. Таникли этнограф олима О.А.Сухареванинг фикрича мазкур маълумотлар маълум даражада баҳслидир. Қаранг: Сухрева О.А. К истории городов Бухарского ханства. Ташкент, 1958. С.123.

⁴ Xаныков Н. Описание Бухарского ханства, СПб., 1843. С.109.: Сухрева О.А. К истории городов. С.124.

⁵ Ауд-ур-Рауф. Рассказы индийского путешественника. С.109.

⁶ Маҳкамова С. Беқасам. Тошкент: Фан, 1971. 11-бет.

⁷ Дала ёзуви. Шаҳрисабз тумани. Чоршанба қишлоғи. 2002 йил.

⁸ Бекчурин И. Шаҳрисабзские владения по рассказам Джурабека и Бабабека // Материалы для статистики Туркестанского края. Спб., 1873. С.85.

Пиллани пишириш ва ундан ипак олиш анча мураккаб жараён ҳисобланиб, кўп ишчи кучини талаб этган⁹. Шунинг учун маҳсус устахона ташкил этилиб, у ерда усталар ишни бир неча катта-кичик қозонларда, ҳамда катта-кичик деб аталувчи чархларда пиллани қайта ишлашган.

Айниқса, бу борада Қарши шаҳрининг Махсумобод гузари пиллани қайта ишлашга ва адреса ишлаб чиқаришга ихтисослашган гузарлардан бири тарзида машҳур бўлган.

Воҳада ҳам республиканинг бошқа минтақалари сингари жун ва пахтадан ип эшиш билан асосан аёллар машғул бўлган бўлса, маҳсус кўнималарни талаб этувчи ипакдан ип эшиш билан асосан эркаклар, мутахассис усталар шуғулланишган¹⁰.

Умуман олганда, XIX асрнинг 60 – 70-йилларидан бошлаб, ипакчилик ва ипакли маҳсулотлар ишлаб чиқариш юқори тараққий босқичига кўтарилишган бўлиб, бу даврда Ўрта Осиё минтақасида ишлаб чиқарилган ипакли маҳсулотлар нафқат Россия фабрикаларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан рақобатлашган, балки минтақада тайёрланган асл ипак маҳсулотлар Европа бозорларида ҳам сотилган. Мазкур фикрни Туркистонни ревизия қилган чор амалдорларидан бири К.К. Пален ҳам ўз ҳисботида тасдиқлаган¹¹. Қолаверса, бу даврда маҳаллий аҳоли орасида ҳам ипакли кийимларни кийиш кенг русум бўлган.

XX аср бошларига келиб, воҳанинг Китоб туманидаги маҳаллий ҳунармандлар орасида ўзларининг катта-катта корхоналарига эга бўлган иирик усталар бўлиб, биргина Турсунжон деган кишининг мингдан ортиқ тўқув дастгоҳи ва 28 та ипакка ишлов берадиган қозонлари бўлганлиги тарихий-этнографик адабиётлардан маълумдир. Мазкур корхонада фақатгина ип-газлама эмас, балки ипак ва айниқса, ярим ипакли матолар (йўл-йўл чизиқли) четга чиқариш учун ҳам ишлаб чиқарилган. Умуман олганда, XX асрнинг биринчи чорагига келиб маҳаллий ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулот нафақат минтақада балки, бутун дунё миқёсида ҳам эътироф этилган бўлиб, ўзбекистонлик ҳунармандларнинг маҳсулотлари 1925 йил Парижда, 1927 йил Лейпцигда, 1937 йил яна Парижда ўtkазилган халқаро кўргазмаларда юқори ўринларни эгалла-

⁹ Бу ҳақда батафсил қаранг: И с м о и л о в Ҳ. Айнанавий ўзбек кийимлари. Этнографик материаллар. Тошкент: 1978. 8-бет.

¹⁰ О.А.Сухареванинг ёзишича, Бухорода ҳам пиллани қайта ишлаш билан XIX аср бошида асосан аёллар шуғулланишган бўлса, аср ўрталарига келиб бу иш билан эркаклар шуғуллашишган. Қаранг: С у х а р е в а О.А. К истории городов Бухарского ханства. С.70.

¹¹ Қаранг: Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края, проведенный по высочайшему повелению сенатором гофмейстером графом К.К.Паленом. Ч.2. СПб., 1909 - 1910 гг. С.172.

ган. Жумладан, 1937 йил Парижда «Замонавий жамиятда санъат ва техника» мавзусида ўтказилган халқаро кўргазмада, ўзбекистонлик ҳунармандлар 5 та мукофот: иккита олий мукофот «гран при», битта олтин ва иккита кумуш медаллар соҳиби бўлган.¹²

Бу даврда воҳа аҳолиси кийимлари ва унинг трансформациясидаги мато турлари табиий иқлим шароити, ўзига хос турмуш тарзи ва этник хусусиятлари, хўжалик турлари, савдо-сотиқ муносабатлари билан шаклтаниб борган. Маълумки, халқимиз қадимдан чорвачилик билан шуғулланганлиги учун чорва маҳсулотлари бўлмиш жун ва теридан кўплаб халқ истеъмол буюмлари тайёрлашган. Чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли асосан жундан тайёрланган кийимлардан чакмон, пўстин, гилам, халта, ҳуржун ҳамда уй-рўзгор буюмлардан фойдаланганлар. Бунда эчки тивити, тия ва қўй жунлари мато тайёрлашда асосий хом ашё ҳисобланган. Лекин ўз ўрнида шуни ҳам таъкидлаш жоизки, жун ва жундан мато тайёрлаш соҳаси ҳунармандчилликнинг бошқа турларига ўхшаб алоҳида ҳунармандчиллик тармоғи бўлиб ажralиб чиқмаган.¹³

Деҳқончилик билан шуғулланиб, пахта етиштириш ва ундан мато тайёрлаш машғулоти билан воҳа аҳолиси қадимдан шуғулланган.¹⁴ Уй шароитида пахтадан мато тўқиши учун чифириқ ёрдамида пахтанинг чигити ажратиб олинган. Пахтани чигитдан тозалайдиган чифириқ ёки халажи каби ускуналар маҳаллий дурадгорлар томонидан тайёрланилган. Асосан чифириқда пахта чигитини ажратиш учун фақат хотин-қизлар ишлаган. Кўпгина хонадонларда қишида оила аъзоларининг барчалари сандал атрофида ўтириб қўл билан пахтани чигитини ажратишган. Бу машғулот бугунги кунгача давом этиб келмоқда¹⁵. Тозалangan пахта йигирилган ҳолда бозорларга сотилган.

Кийим-кечаклар тикишда олдин тайёрланган матолар уй шароитида бўялган. Воҳада бўёқчиллик билан маҳсус ҳунарманд-бўёқчилар шуғулланишган. Ипларни бўяш учун энг олдин улар яхшилаб ювилиб, кирлари кетказилган сўнг ип ёки ипак ишқорли сувда қайнатилиб, оқар сувда чайилган¹⁶. Бу иш билан шуғулланувчилар ўз бўёқларининг рангига қараб кўкчилар, сариқчилар деб номланган. Бу борада Шаҳрисабз туманида ҳаттоқи, бўёқчиларнинг кўкчилар маҳаллалари ҳам бўлган. Ма-

¹² Фахретдинова Д.А. Ўша асар. 53-бет.

¹³ Исмоилов Х. Анъанавий ўзбек кийимлари. Тошкент, 1978. 8-бет.

¹⁴ Рахмонов Ф. Обычаи и обряды населения Кашкадарьинского оазиса, связанные с земледелием (конец XIX - начало XX в.: Автореф. дис.... канд. ист. наук. Ташкент, 2002.

¹⁵ Дала ёзуви. Фузор тумани. Яргунчи қишлоғи. 2002 йил.

¹⁶ Исмоилов Х. Ўша асар. 9-бет.

ҳаллий шароитда бўёқлар тайёрлаш учун ўсимлик барглари ва илдизларидан фойдаланган. Маҳаллий бўёқчилар асосан, ўз ишларида маҳаллий ўсимликлардан, хусусан, «рўян» деб номланувчи ўсимликнинг илдизи, олма, тут дараҳти танасидан ўсиб чиқадиган пўкаклардан ҳамда ёнғоқ пўсти, анор пўчоги, испарак ўсимлиги ва бошқа кўплаб ўсимликларнинг илдизи, меваси, пўсти, данаги ва ҳатто, гулидан тайёрланган турли хил ранглардан фойдаланганлар. Маҳаллий бўёқлардан тайёрланган матоларда ўлкамиз иқлими, ҳалқимизнинг нафосати, табиатида ўз аксини топган бўлиб тўқ яшил, кўк, қирмизи, тўқ сариқ, пушти, зангори, бутун ўлкамиз бўйлаб кенг тарқалган. Бўёқларни тайёрлашда асосан рўян, испара деган ўсимликнинг тўрт йиллигини қуритилган илдини майдалаб, туйиб ва қайнатиб, ундан тўқ қизил ва очиқ пушти ранг олинган. Баъзан бу рангларни мато олмаса, тўқ сариқ ранг тусини олган. Бундан ташқари воҳада олма ва тут дараҳтлари танасида ўсиб чиқадиган пўкаклардан, ёнғоқ пўсти, анор пўчоги, испарак ўсимлиги илдизи ва бошқа ўсимликлар илдизи, меваси пўстидан, пўстлоғи, данаги ва гулидан ҳам турли-туман ранглар олинган.

XIX аср охирларидан бошлаб, Россиядан келтирилган анилин бўёғи кенг тарқала бошлаган. Бироқ, ранги очиқ ва бўялиш жараёни анча содда бўлган ҳамда тузи тез айнийдиган бу бўёқ маҳаллий шароитга мос келмаганлиги учун кенг қўлланилмаган. Унинг ўрнини тиниқ ва айнимайдиган олазарин бўёқлари эгаллаган¹⁷. Шунингдек, қадимий удумга кўра, қимматбаҳо матолар, яъни ипакли ва яримипакли матолар бўяшда бу даврда ҳамон маҳаллий табиий ҳолда етиштирилган азалий табиий бўёқлардан фойдаланилган. Шу ўринда маҳаллий бўёқларнинг ўзига хос афзалликларига хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, маҳаллий бўёқлар четдан келтирилган бўёқларга нисбатан биринчидан, бирмунча арzon бўлса, иккинчидан эса четдан келтирилган бўёқларнинг баъзилари маҳаллий иқлим ва об-ҳаво шароитида тез ўшиб кетган. Бунга биз Қарши ва Китоб туманларида тайёрланган матолар рангидан ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Қарши туманида асосан тўқ яшил, зарғалдоқ, тўқ сариқ, қора, пушти, зангори каби ранглардан унумли фойдаланилган. Қарши олачалари шунчалик машҳур эдики, ҳаттоки, уларда ишлатилган ранглар жилоси ҳам матони қадрини оширап эди¹⁸. Китобда матоларни сариқ рангга бўяш анча кенг расм бўлган. Айрим ҳолларда матоларнинг табиий ранглари ҳам сақланган. Чунончи, малла пахта ва тия жунидан ҳам рангли кийимлар тикилган.

¹⁷ Ўша жойда. 9 - бет.

¹⁸ Дала ёзувлари. Қарши шаҳри. Беклар маҳалласи. 2004 йил.

XIX асрнинг 60-йилларида Туркистон ҳақида кўпгина маълумотлар тўплашга муваффақ бўлган. Л.И.Пашина Ўрта Осиёнинг бўялган исларидан тўқилган матолар рангги ўчмаслиги билан фарқланиб туришини таъкидлайди¹⁹. Дарҳақиқат, воҳада ҳам бўёқчилик қадимдан тараққий этган бўлиб, бу касб билан маҳсус ҳунарманд-бўёқчилар шуғулланишган. Элшунос олима О.А.Сухареванинг ёзишича, бўёқчилик билан Шаҳрисабзда Туркистоннинг бошқа кўплаб шаҳарларидан фарқли тарзда яхудийлар эмас, балки маҳаллий ўзбек бўёқчилари шуғулланганлар²⁰.

Бундан ташқари, маҳсус тайёрланган ранглардан карбос, бўз бамази, пахмоқ, чит каби пахта, зифир толасидан ишланган матоларга босма нақш босилган²¹. Матога битта ва кўп хил рангли нақш босиш учун бир нечта қолипдан фойдаланилган. Қора рангли нақш кўп ишлатилган бўлиб, бу рангда нақшнинг асосий ва ташқи чизиги бўялган. Қора рангли нақш босишга мўлжалланган қолип юзида нақш замини чуқур ўйилган ва нақш изи ингичка қалин ишланган, шунинг учун қора рангли нақш қолипи кўпроқ нок, ёнфоқ, ўрик, бодом каби қаттиқ дарахтлардан ўйиб ишланган. Қизил рангли нақш солиши учун қўлланиладиган қолиплар терак, тол каби юмшоқ дарахтлардан, айrim ҳолларда қовоқнинг бўйин қисмидан ясалган.

Қуритилган ўсимлик илдизи, пояси ва анор пўстлоғи қайнатмасидан тайёрланган қора рангта, темир занги ботирилган сувга мевали дарахтнинг қуюқ елими аралаштирилган қоришма қўшилган қора рангга ботириб олинган қолип, мато юзасига босилган, таркибида темир занги бўлган сув ранг билан бирикиб, матога табиий қора ранг чуқур сингдирилган. Сўнгра қора рангни ювиш учун матони тоза сувда чайиб олишган ва матонинг лозим бўлган жойига ачиқ тош эритмасидан тайёрланган қизил ранг туширилган. XIX аср охири – XX аср бошларида Қашқадарё воҳасида ҳам Ўрта Осиёнинг бошқа минтақаларидағи сингари пахтали матолар тўқиши асосан қўлда бажарилган. Тўқимачиликнинг асосий дастгоҳи «тўқув дўкони» бўлиб, у ерда тўқиладиган матоларнинг узун тортилган иплари «танда» ёки «ўриш» деб аталиб, кўндаланг тортилган ипи эса арқоқ деб аталган²². Моки танда ўтказилиб дўкон дастаси билан ҳар сафар уриб жисплаштирилиб борилган. Ушбу мослама тузилиши жиҳатидан содда бўлиб, маҳаллий аҳоли томонидан ёғочдан тайёр-

¹⁹ Пашина П.И. Туркестанский край в 1966 г. Путевые заметки. Спб., 1868. С.140.

²⁰ Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства. С.124.

²¹ XIX асрда матога гул ва нақш босиш санъати Ўратепа, Хива ва Бухоро атрофидаги қишлоқларида кенг тарқалган. Бу тўғрисида батафсилоқ қаранг: Нозилов Д.А. Ўрта Осиё дизайнни тарихидан. Тошкент, 1998. 96-бет.

²² Кармишева Б.Х. Ўша асар. 258-260-бетлар; Исмоилов Х. Ўша асар. 10-бет.

ланган. Дўконда икки марта олинган мато бир кийимлик саналган. Шунингдек, матолар қари (бир қари, икки қари, газ) деган ўлчовларда ўлчанганд. Қадимга тўкув дўконларида тайёрланган матоларнинг эни жуда тор бўлган (аксари ҳолларда 35-40 см) фақат XX аср бошларига келиб кенг энли мато тўқиши одат тусига кира бошлади. Ўзбекистоннинг бошқа жойларида тўкув дўконлари кўриниши воҳа тўкув дўконлари билан бир хил кўринишга эга бўлган²³. Қишлоқ аҳолиси орасида кийим-кечаклар тайёрлаш учун кўп ишлатиладиган матолардан бири бўздир. Бўялмаган табиий пахтали оқ матодан кекса эркаклар учун кўйлак, иштон ва дағн маросими учун кафан тайёрланган²⁴. Бўз ипдан қўйпол қилиб тўқилган, табиий оқ ёки рангли бўлган матодир. Қизил ва бошқа рангга бўялган бўздан аёллар кўйлаги, лозими, бош кийимлари, йигитлар ва куёвлар учун саллалар тикилган.

Воҳа ҳудудида кенг тарқалган қадимий матолардан бири олачадир. Бу матодан эркаклар ва хотин-қизлар учун кундалик кийимлар тикилган. Олача одатда, йўл-йўл мато бўлиб, йўллари матоларига қизил, қирмизи зангори, тўқ яшил ранглари туширилган. Бўз олача матоларини асосан, ўтроқ турмуш тарзида яшаган аҳоли тўқиб бўяганлар. Ўз навбатида ярим ўтроқ турмуш тарзида ҳаёт кечирувчи чорвадор аҳоли эса улардан бу матоларни сотиб олган. Айниқса, воҳанинг Шаҳрисабз туманида тўқилган олачалар ёзлик, қишлиги, юқалиги ва рангининг очлиги билан фарқ қилиб турган.²⁵

Воҳа аҳолиси ипак матодан саллалар четига жияк, чироз, сочга тақиладиган сочбоғ ёки жамалак, соч попуклар тикишган ва уларни асосан, кийимларга безак беришга ишлатишган. Шу билан бирга асосан, банорас, беқасам, парпаша шойи, атлас каби матолар ҳам воҳа аҳолисининг либосларида учрайди.

XIX асрнинг охири XX аср дастлабки йилларида воҳага четдан келтирилган фабрика ва кустар матолар билан биргаликда кўпроқ маҳаллий ҳунармандлар томонидан тайёрланган матолар ишлатилган. Ҳатто, воҳанинг айrim ҳунармандчилик билан шуғулланган шаҳар, қишлоқларда у ёки бу мато тўқиши қасблари ҳам ривожланган. Жумладан, Қарши шаҳрида 5000 дан ортиқ тўкув дўкони ишлаган. Шаҳарнинг Зоғза гузар

²³ Ушбу тўкув дастгоҳининг тузилиши ҳақида қаранг: Гаврилов М.Ф. Ткацкое искусство узбекской женщины с. Милябад // Народное хозяйство Средней Азии. 1927. № 1-2. С. 4.

²⁴ Бўз матоси туркманларда оқ мато, биз; арабларда нока; белужларда годд; форсларда карбос номлари билан юритилган. Қаранг: Томина Т.Н. Ўша асар. 239-бет. Махмуд Кошварий, Девону луғотит турк. Тошкент, 1967. 73-бет.

²⁵ Дала ёзуви. Шаҳрисабз тумани. Мираки қишлоғи. 2000 йил.

рида пўта²⁶ ва олача ишлаб чиқарилган²⁷. Бундан ташқари этнограф Е.М.Пешерева Қарши шаҳрида 1909-1910 йиллари бир қанча тўқув дўконлари ҳамда Мавлон домлага қарашли мануфактура бўлганлигини таъкидлайди ва Мавлон домла тўқиб чиқарган олачаси билан «охун олача» лақабини олганлиги ҳамда биргина унинг 60 тача тўқув дўконида 20 га яқин уста ишлаганлигини ёзди²⁸.

XX аср бошларига келиб, минтақага Россиядан кўплаб рус фабрикаларида тайёрланган матолар келтирила бошланган. Қора рангли мовут, баҳмал матолари эркаклар ва аёллар устки кийимлари, тўн, халат, бош кийимлари дўшилар тикишда фойдаланиб, байрамлар, тўй маросимлари учун парча, фаранг матоларини харид қилиш кенг тус ола бошлади. Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, маҳаллий ҳунармандчилик қанчалик ривожланмасин бу даврда маҳаллий ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар аҳолининг матога бўлган эҳтиёжини тўла қондиришни иложи йўқ эди.

Ўрта Осиёning барча кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолиси мато учун жун тайёрлаш ва уни ип шаклига келтиришда деярли бир хил усулни қўллаганлар. Энг асосийси, бу машғулот билан асосан хотин-қизлар уй шароитида шуғулланганлар. Жун аввало, ювилиб титилган, агар керак бўлса бўйлган ҳам. Жунни титишда оддий, уни маҳсус тайёрланган саваҷуплар ёрдамида савалаш усули кенг қўлланилган²⁹.

Воҳада жун иплар асосан тузли сувда қайнатилганлиги учун пишиқ ва чидамлилиги билан ажralиб туради. Шу сабабли жун кўпроқ тузли сувда қайнатилиб заҳри йўқотилган. Бунга сабаб жунни тайёрлаш кўпроқ қўлда бажарилгани учун, иш жараёнида қўлга анча таъсири бўлган. Жун иплар қозонда қайнатилгандан сўнг олиниб, қуритилган. Улар яхши қуригач, яна тоза сувда ювилган ва пишиқ, мустаҳкам, чидамли бўлиши учун хамир қоришимасига ҳам солинган.

Уй шароитида тўқиладиган матоларни тўқув дастгоҳларида тўқиб тайёрлаш жараёнида, ипларни горизонтал йўналишда, яъни ер бўйлаб ўрмак қилиб юритганда, ипларнинг бир текис туриши бир-бирига чатишиб кетмаслиги учун дастгоҳнинг ип айлантириб олинадиган қисмига ип устида ёғочга хамир суртиб чиқилган, бу усул дастгоҳнинг мустаҳ-

²⁶ Пўта (а)-түя жунидан тўқилган энсиз узун мато; ундан асосан белга бир неча марта айлантириб ўраладиган белбоғ ишлаб чиқарилган.

²⁷ Сұхарева О.А. К истории городов Бухарского ханства (Историко-этнографические очерки). Ташкент, 1958.

²⁸ Пешерева Е.М. О ремесленных организациях Средней Азии в конце XIX – начале XX в. // Краткие сообщения Института этнографии. Вып. 33. М., 1960. С.39.

²⁹ Абдуллаев У. Ўша асар. 112-бет.

камлигини сақлаган. Воҳада эчки жунидан тивит салла, пайтава, фўта тайёрлашган. Қўй терисидан эса пўстин, тия жунидан чакмон тикиш кенг расм бўлган. XIX асрнинг охирида қипчоқ, туркман найманларида туячилик ва тия жунидан мато тайёрлаш анъанаси мавжуд бўлиб,³⁰ туячилик билан шуғулланиб бой дўрмонлар, қўнғиротлар оқ чакмон со-тиб олишганини этнограф олима Н.Г.Борозна ҳам ўз мақоласида келтириб ўтади.³¹ Воҳада тия жунидан фақат эркакларнинг устки кийимларигина эмас, балки чорвадорлар ўзлари учун дастурхон, жойнамоз, кўрпалар ҳам тайёрлашда ишлатганлар. Айниқса, республикамизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани сингари бу даврда воҳада ҳам қўй жунидан қора уйлар учун бофичлар, халта, кигиз, тузхалта, хуржун, гилам, бўғжома (кийимлар ва тўшаклар учун) тайёрланган.

Қўй жунидан тайёрланган ипни ўрмақдан ўтказиб «шол мато» тайёрланган. Бундан ташқари, оқ ва қора қўй жунидан эркаклар учун чопон, иссиқ иштон, пайтава тўқилган. Жундан тайёрланган иплардан эса эркаклар ва аёллар учун белга боғланадиган бофичлар, белбоғлар ва эркаклар учун чакмонлар ҳам тайёрланган.

Чорвадор аҳоли орасидаги бой ўзига тўқ эркаклар «қоқма чакмон», чўпонлар, оддий ва ўрта ҳол эркаклар, айниқса, воҳада яшовчи араблар «қўқ чакмон» кийишган³². «Қўқ чакмон» «қоқма чакмон» деб номланган. «Қўқ чакмон» анча юпқа ва ихчам бўлиб, енгил жун матодан тўқилган. Қўй жунидан тайёрланган эркаклар кийимларидан яна бири (буни асосан чўпонлар қишида кийишган) «кебенак»дир*.

Шундай қилиб, воҳада асосан чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли ўз навбатида деҳқончилик билан шуғулланиб, тия, қўй, эчки жунидан матоларни кийиш билан бирга, маҳаллий қўл дастгоҳларида пахтадан тайёрланган ип толалардан тайёрланган матолардан хилма-хил кийимлар кийишган. Жумладан, тоғ-тоғолди қишлоқларида яшовчи ярим ўтроқ аҳоли кўпроқ чорвадорчилик билан шуғулланганилиги сабаб улар жун матодан кенг фойдаланишган, чунки табиий иқлим шароити бирмунча совуқ, қор, ёмғирли бўлганлиги учун қўй, эчки, тия жунидан тайёрланган матолар ўзининг чидамлилиги ва пишиқлиги билан яйлов шароитига анча мос тушган. Деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли ўз-ўзидан

³⁰ Гребенкин А.Д. Узбеки // Русский Туркестан. М., 1972. С. 82 - 101, 107.

³¹ Борозна Н.Г. Материальная культура узбеков Бабатага и долины Кафирнигана // Материальная культура Средней Азии и Казахстана. М., 1974. С.110.

³² Шаниязов К., Исмоилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конца XIX - начала XX в. Ташкент: Фан, 1981. С. 45.

* Кебенак – чўпонларнинг ёғингарчилик ва совуқда киядиган ёпинчиқсимон пўстини (чопони).

шароитга мос енгил, пахтали матолардан кийим тикиб кийишга одатланган. Шу билан бирга ипак ва ярим ипак матолардан ҳам кенг ўринда фойдаланилган. Айниқса, воҳанинг Қарши шаҳрида ишлаб чиқарилган матолар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, нафақат воҳада балки, бутун Ўрта Осиё ҳудудида ҳам машҳур бўлган. Бундан кўриниб турибдики, Қарши шаҳри тўқимачиликнинг энг ривожланган ҳунармандчиллик тармоқларидан бири ҳисобланади.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, Қашқадарё воҳаси аҳолисининг анъанавий кийимлари трансформациясида ўзига хос жараён кўринадики, бу мато тайёрлаш ва унинг усуслари, мато турлари, тарқалиши айниқса аҳамиятлидир. Бундай матоларни воҳада асосан, маҳаллий тўқув дўконларида тайёрланиши ва тарқалиши, қолаверса, четга ҳам чиқарилиши аҳамиятлидир. Дарҳақиқат, Қашқадарё воҳасида анъанавий мато ишлаб чиқариш ўзига хос кўринишларга эга бўлиб, ўзбек халқи анъанавий кийимларини ўрганишда моддий маданият тараққиёти ривожида ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан ўз ҳиссасини қўшади. Олиб борилаётган тадқиқот XIX аср охири – XX асрдаги анъанавий кийимлар трансформациясини ўрганишда мато ишлаб чиқариш усуслари, мато турларини ўрганиш алоҳида ўрин тутади. Шу боис ҳам мато ишлаб чиқариш, уларнинг турлари кийимлар шакли ва бичимларига таъсир этиб, унга бир қатор ўзгаришлар киритади. Бу эса аҳолининг кийим-кечакларга ўзгача муносабатини ошириб, кийиниш маданиятини ҳам кучайтиради.

Ушбу мақолада мато тайёрлашнинг айрим жиҳатлари борасида фикр юритдик холос. Зеро, мато тайёрлаш, унга ишлов бериш технологиялари–ип хом ашёсини тайёрлаш (жун, ипак, пахта), тўқиши, бўёқ беришнинг ўзига хос анъаналари мавжудки, келгусида уларни батафсил тадқиқ этилиши ушбу ишимизнинг мантиқий давоми бўлади.

С. Давлатова

ТРАДИЦИИ ПРОИЗВОДСТВА ТКАНЕЙ В КАШКАДАРЫИНСКОМ ОАЗИСЕ

В статье изучены традиции производства тканей в Каракалпакском оазисе. Отмечено, что в этом регионе Узбекистана было развито производство алача и шелковых тканей. Центрами производства тканей были города Карши, Шахрисабз и Китаб. Особое место отведено вопросу производства хлопчатобумажных тканей и технологии нанесения краски на ткани, особенностям видов тканей и форм одежды Каракалпакского оазиса. Показано, что ткани и формы одежды рассматриваемого оазиса являются составной частью материальной культуры узбекского народа.

S. Davlatova

THE TRADITIONS OF WEAVER'S MANUFACTURER IN KASHKADARYA REGION

In this article were studied traditions of the manufacture of clothes in Kashkadarya region. Author marked that in this region of Uzbekistan were developed the production of alacha and silk cloth. Karshi, Shahrishabz and Kitab were weaver centers. The types and forms of clothes of Kashkadarya region had one's own particularities and they are compound part of material culture of Uzbek people.

Онлайн-журнал «История Узбекистана» (www.uzhistory.org) опубликовал статью Сабиры Давлатовой «Традиции производственных мастерских в Кашкадарье». В статье говорится о том, что в Кашкадарье было развито производство алачы и шелка. Центрами текстильной промышленности были Карши, Шаршишабз и Китаб. Типы и формы одежды Кашкадарья имели свои особенности и являлись составной частью материальной культуры узбеков. В статье приведены фотографии, на которых изображены различные виды тканей и изделия из них. Статья написана на русском языке.

Для получения дополнительной информации обратитесь к автору статьи по телефону +998 90 200 00 00.

Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига

Б. Абдуҳалимов

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ- ҚАДИМИЙ ИЛМ МАСКАНИ

Жаҳон фани ва маданиятининг яратилишида барча халқларнинг ҳиссалари бор. Ўрта Осиё ҳам башарият цивилизацияси ривожига улкан улуш қўшган. Ўрта асрларда ушбу ҳудуддан кўплаб алломаларнинг етишиб чиққанлиги ҳамда бир неча илмий мактаб, марказ ва академияларнинг фаолият юритгани мамлакатимизнинг башарият фани ривожидаги фаол иштирокидан далолат беради. XI асрда асос солинган Хоразм Маъмун академияси ана шундай марказлардан бири эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тарафидан «Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш ҳақида» 2004 йил 9 ноябрдаги қарорнинг қабул қилиниши илгари фақат тор доирадаги мутахассисларгагина маълум бўлган Хоразм Маъмун академиясини ба-тафсил ўрганиш, бу борадаги янги тадқиқотларни яратиш ҳамда бой илмий ва маънавий меросимизни халқимиз ва халқаро ҳамжамиятга та-ништиришда муҳим тадбир бўлди.

Х асрнинг охири XI асрнинг бошларида Хоразмдаги сиёсий осойишлилик, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий турмушидаги юксалиш ҳамда хоразмшоҳ маъмунийларнинг илм аҳлига бўлган ҳурмат-эътибор, меҳр-муруввати ўша даврнинг энг машҳур ва кўзга кўринган олимларини Гурганчда тўпланишига сабаб бўлди.

992 йили Гурганчда ҳокимиятга янги амир - Абу Али Маъмун кела-ди¹. У ва унинг ўғли Абу-л-Ҳасан Али б. Маъмун (999-1009) ларнинг саройида кўплаб олимлар фаолият олиб боради. Али б. Маъмуннинг вафотидан сўнг Хоразм таҳтига ўтирган Абу-л-Аббос Маъмун б. Маъмун хоразмшоҳлар саройидаги илмий анъаналарни давом эттириб, замонасининг олимларига эътибор билан қарайди ва илмий тадқиқотларга кенг имкониятлар яратиб беради. Сарой вазири Абу-л-Ҳусайн Аҳмад б. Муҳаммад ас-Саҳлийнинг илмли, адабиёт, шеърият ва умуман, илму фанни қадрловчи шоиртабиат инсон эканлиги хоразмшоҳлар саройидаги илмий тўгаракнинг янада кенгайиши ва самарали фаолиятига сабаб бўлди. Натижада хоразмшоҳлар саройида XX аср олимлари Маъмун академияси деб атаган илмий муассаса вужудга келди.

¹ История Хорезма. С древнейших времен до наших дней. Ташкент: Фан, 1976. С. 40-55.

Манбаларда Маъмун б. Маъмун саройида олимларнинг катта гуруҳи тўпланганилиги ва хоразмшоҳ уларга ҳомийлик қилганилиги эътироф этилса-да, бу илм масканини қачон ташкил топгани ҳақида аниқ маълумотлар учрамайди. Лекин илмий адабиётларда Абу Райҳон Беруний ва Ибн Синонинг Гурганчга келган 1004 йил академиянинг ташкил топган йили деб қабул қилинди. Шу билан бир қаторда Беруний ва Ибн Синоларга қадар ҳам хоразмшоҳлар саройида илмий муҳит ва олимларнинг бўлганилигини назарга олсак, Хоразм Маъмун академиясини кўрсатилган сана-дан илгарироқ ҳам мавжуд эканлигини инкор этиб бўлмайди.

Маъмун академияси қисқа бир муддат, яъни 1017 йилгача фаолият юритган бўлса-да, бу ерда астрономия, математика, табобат, кимё, география, минералогия каби табиий фанлар билан бир қаторда тарих, фалсафа, адабиёт, тил, ҳуқуқ ва бошқа ижтимоий фанлар ҳам ривож топди.

Хусусан, астрономия соҳасида олиб борилган тажрибалар натижасида мутақаддим олимлар томонидан тузилган астрономик асбоблар ясаш, ўлдузлар координатларини ҳисоблаш бўйича изланишлар олиб борилди. Беруний 1004 йилнинг июн ойида Ой тутилишини кузатди.

Академияда математика бўйича олиб борилган ишлар Абу Мансур б. Ироқ, Беруний ва Абу-л-Хайр Хамморларнинг исмлари билан боғлиқ². Берунийнинг устози Ибн Ироқ математика ва астрономияга оид 30 га яқин асарлар ёзди. Беруний қаламига мансуб 150 га яқин асарлар орасида астрономия ва математикага оидлари салмоқли ўринни эгаллайди. Тенг ёнли учбурчакларга оид бир теорема, уни исботлаган муаллифи, яъни Абу-л-Хайр Хамморнинг номи «Хамморий теоремаси» («каш-Шакл ал-Хамморий») номи билан машҳур бўлгани маълум.

Алкимёни илмий кимёга яқинлаштиришда Беруний ва Ибн Синоларнинг муносиб ўрни бор. Берунийнинг моддалар солиштирма оғирликлари билан уларнинг хоссалари ўртасида боғлиқлик мавжудлиги ҳақидағи фикр ва холосалари мужассамланган «Солиштирма оғирликлар» номли рисола ҳам Гурганчда ёзилган. Ибн Сино моддалар трансмутациясига бағишиланган кимёвий тажрибаларининг натижаларини «Иксир ҳақида рисола» («Рисолат ал-иксир»)да баён этади³. Маълумки, бу рисола 1005-1010 йиллар давомида Хоразмда таълиф этилади.

Хоразмшоҳлар саройида табобат билан шуғулланган олимлар жумласига Абу Саҳл ал-Масиҳий, Абу-л-Хайр Хаммор, Ибн Сино ҳамда

² Аҳмедов А. Математика ва астрономия / Хоразм Маъмун академияси. Тошкент: Фан, 2005. 45-50-бетлар.

³ Каримова С.У. IX-XI аср кимё ва доришунослик фанлари тараққиётида Марказий Осиё олимларининг ўрни. Тошкент, 2002. 42-50-бетлар.

Берунийларни киритиш мумкин⁴. Математика соҳасида унинг номи билан аталган «Хамморий теоремаси»нинг муаллифи бўлмиш Абу-л-Хайр Хаммуринг табобат соҳасида «Иккинчи Гиппократ» деган номга сазовор бўлиши бу олимнинг юксак иқтидоридан далолат беради. Абу-л-Хайр Хаммур ўз асарларини кўпроқ тибнинг назарий масалаларига бағишилаган бўлса, Абу Саҳл ал-Масиҳий Хаммурдан фарқли ўлароқ, амалий табобат ва тиббий таълим бериш билан шуфулланган.

Ибн Сино Хоразмда қисқа муддат яшаган бўлса-да (1005-1010), бу ерда соғлиқни сақлаш масалаларига оид «Зараарларни йўқотиш» («Дафъ ал-мадорр») номли муҳим асарини ёзишга муваффақ бўлди.

Хоразм Маъмун академиясида география соҳасида қилинган ишлар, асосан Беруний ижоди билан белгиланади. Маълумки, географик билимлар Беруний ижодида салмоқли ўринни эгаллайди. У ўн олти ёшида ёқ жойларнинг географик кенглигини аниқлаш билан шуфулланган ва Кат шаҳрининг географик кенглигини ўлчаган. Беруний 994 йили Амударёнинг ғарбий соҳили Журжония билан Кат оралиғидаги Бўшканз қишлоғида эклиптика текислигининг экваторга нисбатан оғиш катталигини жуда аниқ ўлчашга муваффақ бўлди. 995 йили Кат шаҳрида яшаган олим у ерда Ер шарини глобусда акс эттириш масалалари билан шуфулланган. У ясаган глобус Шарқдаги биринчи ва рельефли глобуслиги билан аҳамият касб этади⁵. Берунийнинг Гурганчда олиб борган илмий фаолиятида географиянинг бир қанча соҳалари - табиий география, гидрология, минералогия кабиларга оид тадқиқотлар ўрин олган.

Хоразм Маъмун академиясида аниқ ва табиий фанлар билан бир қаторда ижтимоий фанлар ҳам кенг ривож топган. Фалсафа ана шундай илм-фан соҳаларидан биридир. Академияда ривожланган фалсафий ғоялар замирида Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино ўртасида олиб борилган ёзишмалар муҳим ўрин туттган⁶. Ушбу ёзишмани Аристотель китоблари юзасидан Шарқнинг икки буюк алломаси савол-жавоблари, уларнинг фалсафий дунёқарашлари ташкил этади. Беруний билан Ибн Сино ёзишмалари ўзлари яшаб турган оламдан бошқа дунёлар мавжудлиги тўғрисида икки олим ўртасида жиддий фикр-мулоҳаза юритилганидан гувоҳлик беради. Ғарб мутафаккири Аристотелнинг дунё чекланганлиги ҳақидаги фалсафаси ҳукмрон даврда Берунийнинг бошқа дунёлар мавжудлиги тўғрисидаги тахминлари алломанинг фалсафий дунёқараси

⁴ Ўша жойда.

⁵ Бўриев О. География / Хоразм Маъмун академияси. Тошкент: Фан, 2005. 118-125-бетлар.

⁶ Шарипов А.Д. Философская переписка Беруни и Ибн Сины // Вопросы философии. 1978. № 4. С. 124-133.

нақадар кенг бўлганини исботлаб турибди. Умуман, мазкур манба икки буюк ажодимизнинг Маъмун академияси давридаги фалсафий фаолиятлари ва қизиқишилари ҳақидаги тасаввурларимизни янада бойитиш имконини беради.

Академияда тарих фани ҳам ривож топган. Беруний Хоразмда тарих соҳасида мавжуд бўлган илмий анъаналарни давом эттириб, ўзининг «Хоразмнинг машҳур кишилари» ёки «Хоразм тарихи» номли китобини ёзган⁷. Асар тўлиқ ҳолда сақланмаган. Унинг фақат йирик бир парчаси Абу-л-Фазл Байҳакийнинг Султон Масъуд Фазнавийга бағишлиган «Тарихи Масъудий» асари орқали етиб келган. Бундан ташқари муаллифнинг «Ёдгорликлар», «ат-Тафхим» ва «Ҳиндистон» асарларида ҳам муҳим тарихий маълумотларни учратиш мумкин.

X-XI асрларда яшаган ас-Саолибийнинг «Ажойиб маълумотлар» («Латоиф ал-маориф»), XII асрда яшаган ас-Самъонийнинг «Насаблар ҳақида китоб» («Китаб ал-ансоб»), Ёқут ал-Ҳамавийнинг «Адиблар қомуси» («Муъжам ал-удабо») ва бошқа бир қатор манбалар орқали етиб келган маълумотларга қараганда, Маъмун саройида бадиий ижод ва адабиётшуносликка ҳам алоҳида эътибор берилган. Шу боис, ўша даврнинг кўпгина машҳур адиблари хоразмшоҳлар саройида тўпланган. Улар орасида Аҳмад б. Муҳаммад б. Сахрий, Абдуллоҳ б. Ҳамид, Абу Сайд б. Шабиб, Абу-л-Ҳасан б. Маъмун, Абу Абдуллоҳ ат-Тожир, Иброҳим Раққоний каби шоирлар шеърий девонлар, қасида ва мадҳиялар ёзганлар. Бадиий ижод шайдоси вазир ас-Саҳлий ўзи шеър ёзишдан ташқари саройдаги адабий мушоираларни ҳам ҳар тарафлама қўллаб-қувватлар эди.

Бу даврда Хоразмда бир қанча тилшунослар ҳам ижод этганлар. Улар ўша даврнинг илмий тили бўлган араб тили грамматикасини бир тизимга солиб, лугат ва тил ўрганиш бўйича асарлар яратганлар.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, Хоразм Маъмун академияси қисқа фурсат фаолият юритганига қарамасдан, ўрта аср фани ва маданияти тарихида муҳим из қолдирди. У ерда яратилган бой мерос, кўтарилган илмий ғоялар кейинги асрларда янги каашфиётлар яратилишига бекёёс замин ҳозирлади.

⁷ Аҳмедов А. Тарих / Хоразм Маъмун академияси. Тошкент: Фан, 2005. 161-165-бетлар.

B. Abdurahimov

ХОРЕЗМСКАЯ АКАДЕМИЯ МАЬМУНА - ДРЕВНЯЯ ОБИТЕЛЬ НАУКИ

Статья посвящена Хорезмской Академии Маъмуна. В ней приводятся сведения об образовании этого научного центра, освещаются основные научные достижения крупных ученых, работавших во дворце Хорезмишаха Маъмуна.

B. Abdurahimov

MA'MUN AKADEMY IN KHWARAZM

This article contains description of Ma'mun Academy in Khwarazm and activity of famous scholars there and interesting processes went on in various spheres of natural and social sciences.

C. Karimova

ХОРАЗМ МАЬМУН АКАДЕМИЯСИДА ТАБИЙ ФАНЛАР РИВОЖИ

Хоразмда бу даврда аниқ фанлар баробарида табиий фан соҳалари жумладан, кимёда ҳам айтарли илмий ютуқларга эришилди. Хасрга келиб, кимё Шарқда энг ривожланган илмлардан бирига айланди. Зоро, бу вақтда машҳур кимёгар олимлар Жобир ибн Ҳайён (721-813) ва Абу Бакр ар-Розийларнинг (865-925) кимёвий асарлари бутун мусулмон оламида маълум ва машҳур эди. Уларнинг кимёвий қарашлари Марказий Осиё олимларининг илмий ижодига ҳам ижобий таъсир кўрсатди ва Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу-л-Ҳаким ал-Хоразмий ал-Косийларнинг илмий асарларида танқидий ривожлантирилди¹.

Алкимёни илмий кимёга яқинлаштиришга улкан ҳисса қўшган олим Абу Райҳон Берунийдир. Унинг Хоразмда маъданий моддаларнинг хоссаларини ўрганиш борасида олиб борган илмий изланишлари физика, минералогия, кимё каби фанларни моддалар диагностикасининг энг ишончли усули билан таъминлади, деб айтиш мумкин. Аллома ўз тажриба ва илмий хуносаларини «Солиштирма оғирликлар» номли китобида баён қилган.

¹ Каримова С.У. IX-XI аср кимё ва доришунослик фанлари тараққиётида Марказий Осиё олимларининг ўрни. Тошкент, 2002, 461-бет.

Берунийнинг бу асари табиий фанлар тарихига ёрқин саҳифа бўлиб кирди, чунки олим фан тарихида биринчى бўлиб моддаларнинг солиштирма оғирликларини, яъни улар вазнининг ҳажмига нисбатини аниқлади ва шу билан табиий фанларни моддаларни таҳқиқ қилишнинг энг ишончли усули билан таъминлади.

Булардан ташқари, Беруний суюқликларнинг ҳам солиштирма оғирликларини ўзи ясаган асбоб - биринчى пикнометр ёрдамида ўлчаган. Металлар ва маъданларнинг солиштирма оғирликларини ўлчаш билан Беруний минералогиядаги асосий масала - маъданларнинг замонавий таснифига асос солди ва биринчى бўлиб қимматбаҳо тошларни тасниф этишда шу усулни қўллади ва бу борадаги фикрларини ўзининг «Китоб ал-жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир», яъни «Минералогия» номли асарида баён қилди².

Алкимёning асосий тезиси - металлар трансмутациясига эса Беруний ҳамма вақт танқидий фикр билдирган³.

Металлар трансмутацияси, яъни оддий металларни нодир металларга сунъий йўл билан айлантириш назариясига танқидий муносабатига кўра Берунийга яқин турган олим Абу Али Сино эди.

Илмий фаолиятининг бошланғич даврида 20 ёшлик ёш олим давр талабига жавобан бошқа фанлар билан бир қаторда ўша даврда энг ривожланган илмлардан бўлган алкимёни ҳам ўрганади. Дастлабки билимларини Бухорода олган илмга чанқоқ ёш Ибн Сино бошқа фанлар қаторида Жобир ибн Ҳайён ва Абу Бакр ар-Розий каби йирик олимларнинг кимёвий асарлари билан ҳам танишган, уларни ўқиб ўрганган бўлиши керак. Бу фикримизни унинг «Рисолат ас-санъя ила-л-Барақий» («Ал-Барақийга санъат бўйича ёзилган рисола») номли асари тасдиқлайди.

Вақт бўйича иккинчи ёзилган асар «Рисолат ал-иксир» («Иксир ҳақида рисола») бўлиб, уни Ибн Сино Хоразмда, 1005-1010 йиллар оралиғида яратган ва унда ўзининг кимёвий таржибалари натижасини баён қилган ва трансмутация масалаларини амалда ҳал этишга уринган. Кейинчалик ёзган «Китоб аш-шифо» асарида эса кимёгарларнинг сунъий йўл билан олгин ва кумуш ҳосил қилишдаги уринишларини кескин танқид қилган. Жобир ибн Ҳайён ва Абу Бакр ар-Розийларнинг моддалар таснifi фан тарихида яхши маълум. Шулар сингари Ибн Сино ҳам

² Абу-р-Райхан Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия) / Пер. Беленицкого А.М., статьи, примеч. Беленицкого А.М. и Леммлейна Г.Г. М.: Изд-во АН СССР, 1963. - 518 с.

³ Каримова С.У. Берунийнинг кимёвий қарашларига доир // Ўзб. ижт. фан. 1993. № 9-10. 57-59-бетлар.

кимё илми билан шуғулланиши жараёнида ўзининг маъданий моддалар таснифини ишлаб чиқди. Бу тасниф унинг «Китоб аш-шифо» асарида ўз аксини топган⁴.

Хоразмда кимё илмини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган олимлардан яна бир Абу-л-Ҳаким Муҳаммад ибн Абдалмалик ас-Саҳлий ал-Хоразмий ал-Косийдир. Бу олим кимё тарихида биринчи бўлиб реакцияга киришувчи моддаларнинг миқдорий нисбати ҳақида ўзининг «Айн ас-санъа ва аун ас-санъа» («Санъатнинг моҳияти ва шуғулла-нувчиларга ёрдам») номли китобида ёзган⁵.

Хулоса қилиб айтганда, XI аср бошида Марказий Осиё, хусусан, Хоразмда кимё соҳасида бу илмнинг кейинги ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган муҳим илмий натижалар қўлга киритилди.

X-XI асрларда Марказий Осиёнинг Бухоро, Самарқанд, Гурганч каби йирик маданият ва илм марказларида ўз даврининг пешқадам олимлари тиб соҳасида антик муаллифларнинг асарларидан олинган назарий билимларини маҳаллий илмий анъана элементлари билан бойитган ҳолда улкан ишларни амалга оширдилар. Хусусан, бу вақтда Хоразмдаги тиббий билимларнинг шаклланиши ва ривожига Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Муҳаммад ал-Хоразмий (IX-X), Маъмунийлар даврида эса ал-Масиҳий, Абу-л-Хайр Ҳаммор, Абу Али ибн Сино ҳамда Абу Райҳон Берунийлар беқиёс ҳисса қўшганлар.

Шулардан Муҳаммад ал-Хоразмий қадимги юонон муаллифларининг асарларини араб тилига таржима қилиб, улар асосида тиббий асарлар ёзганлиги ҳақида маълумотлар сақланган⁶.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий эса ўзининг «Мафотиҳ ал-улум» номли энциклопедик асарида ўз даври табобатининг анатомия патология ва фармакологияга тегишли бўлган атамаларини йиғиб, мутақаддим олимларнинг (ар-Розий, ал-Мажусий каби) асарларидан фойдаланган ҳолда уларни изоҳлаган⁷.

Кейинчалик Хоразмшоҳ Абу-л-Аббос Маъмун ибн Маъмун саройида тўпланган олимларнинг ҳам ҳар бири табобат соҳасида бетакрор, чуқур из қолдирди. Уларнинг орасида энг ёши улуғи ва шу боис, ҳаётий

⁴ Каримова С.У. Ибн Сина и алхимия // ОНУ. 1988. № 11. С. 39-42.

⁵ Каримова С.У. Ал-Хоразмий ал-Косий ва унинг «Айн ус-санъа» асари ҳақида // Шарқшунослик. Тошкент: Фан, 1997, № 8. 58-61-бетлар.

⁶ Каримов У.И. Очерки истории медицины в Средней Азии с древнейших времен до середины XIX в. / Исследования по истории, истории науки и культуры народов Средней Азии. Ташкент: Фан, 1993. С. 36.

⁷ Баҳодиров Р. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 144-бет.

ҳамда илмий тажрибаси кўпроқ бўлган олим Абу-л-Хайр Хаммор эди. У сурён тилини яхши билган ва шу тилда ёзилган бир қанча китобларни арабчага таржима қилган. Ўзи ҳам фалсафа ва табобатга оид бир қанча асарлар ёзган, лекин улар бизгача етиб келмаган. Табиб сифатида Абу-л-Хайр ўз даврида жуда машҳур бўлиб, замондошлари уни «иккинчи Буқрот (Гиппократ)» деб аташар эди. Олим кўпроқ тибнинг назарий масалалари билан шуғулланган, унинг асарларида анатомия, қариялар парҳези, табибларни синаш усуслари, озиқ моддалар ва эпилепсия масалалари баён этилган. Беруний Хамморни олим сифатида жуда ҳурмат қилган шу боис, ўз асарларида Хамморнинг китобларидан фойдаланган⁸.

Маъмуний Хоразмшоҳлар ҳомийлигида табобат билан шуғулланган олимлардан яна бири Абу Саҳл ал-Масиҳий эди. Агар Абу-л-Хайр Хаммор кўпроқ тиб назариясига эътибор берган бўлса, ал-Масиҳий тиб амалиётини ривожлантиришга ҳамда тиббий таълим беришга хизмат қилди. Олим астрономия, математика, фалсафа, табобат ва бошқа фан соҳалари билан шуғулланган, улар бўйича асарлар яратган, лекин фан тарихида у кўпроқ табиб сифатида машҳурдир. Ал-Масиҳийнинг тиб илми бўйича нечта асар ёзгани маълум эмас, лекин улардан саккизтаси сақланиб қолган⁹.

Хоразмда бу даврда тиббий фаолият олиб борган олимлар қаторида Абу Али ибн Сино ҳам бор эди. Бутун умри давомида Ибн Сино тиб бўйича 30 дан ортиқ асар ёзган бўлса, улар тибнинг анатомия, физиология, патологиянинг умумий ва хусусий тармоқлари, терапия, хирургия, неврология, психиатрия, доришунослик, гигиена, диететика каби соҳаларини қамраб олади. Олим Хоразмда фақат беш йил яшаган бўлсада (1005-1010), бу ерда у ўзининг гигиена, яъни соғлиқни сақлаш масалаларига бағишлиланган «Дафъ ал-мадорр» («Зарарларни йўқотиш») номли ҳажм ва мазмун жиҳатдан муҳим асарини яратди¹⁰.

Ибн Сино тиббий фаолияти ва ижодининг гултожи унинг кейинчалик ёзилган «Тиб қонунлари» асаридир.

Хоразм Маъмун академиясида табобат билан шуғулланган олимлар қаторига Берунийни ҳам қўшиш жоиздир. Гарчи, аллома тиб амалиёти билан бевосита шуғулланмаган бўлса-да, Хоразмда яшаган даврида унинг табиати, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини чуқур ўрганиб, ўз фикр-

⁸ Каримов У.И. Ўша асар. 39-бет.

⁹ Каримова С.У. Ибн Синонинг устози // Шарқ табобати. Тошкент, 2000, № 1. 29-бет.

¹⁰ Абу Али ибн Синонинг соғлиқни сақлашга доир рисолалари / Тадқиқ қилувчи, таржимон, изоҳ ва кўрсаткичларни тузувчи Э.Талабов. Тошкент: Фан, 1978. 132-бет.

ларини, кузатув натижаларини қайд этиб борган. Бундан ташқари, у доривор моддалар, шу жумладан, ўсимликларни диққат билан кузатиб, уларнинг маҳаллий номларини араб, форс, сурён, юнон, кейинчалик эса ҳинд тилларидағи номлари билан таққослаб, бўлғуси китоби учун маълумотлар тўплаган. Олимнинг моддалар хоссаларига, номларига бўлган қизиқишлари унинг «Хронология», «Геодезия», «Минералогия» номли асарларида ҳам кўринади, лекин улар тўла-тўқис ҳолда ҳаётининг сўнгти йилларида яратилган «Китоб ас-сайдана фи-т-тибб» («Табобатда доришунослик» ёки «Фармакогнозия») номли асарида ўз аксини топган¹¹. Бу асарда йиғилган 1116 та дори модданинг 197 тасини маъданий моддалар, 880 тасини ўсимликлар, 101 тасини ҳайвоний моддалар, 30 га яқинини мураккаб дорилар ташкил этади. Унда келтирилган бой фактик маълумотлар XI асрдаги доришунослик ва ботаника илми ҳақида тўлиқ тасаввур беради.

Хулоса қилиб айтганда, Хоразм Маъмун академиясида фаолият олиб борган олимлар ўзларининг илмий изланишлари натижаси ўлароқ, ўша давр табобатида мавжуд анъаналарга содиқ қолган ҳолда тибнинг назарий ва амалий жабҳаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар.

C. Каримова

РАЗВИТИЕ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК В ХОРЕЗМСКОЙ АКАДЕМИИ МАЬМУНА

В статье рассказывается о достижениях ученых Хорезмской Академии Маъмуна в области химии и медицины. Показано значение для современного естествознания. В частности, определение удельных весов веществ; критика основного тезиса средневековых алхимиков - трансмутации простых металлов в благородные; систематизация лекарственной терминологии.

S.Karimova

THE DEVELOPMENT OF NATURAL SCIENCES IN KHWARAZM ACADEMY OF MA'MUN

The achievements in Chemistry and Medicine in the Khwarazm Academy of Ma'mun and their importance for the modern sciences have been studied in this article. Its main idea lies in the definition of the comparative weights of substances and critizing of the thesis of medieval chemists on the transmutation of simple metals to gold and silver, and sistematization of the pharmacological therm.

¹¹ Абу Райхан Беруни. Фармакогнозия в медицине / Иссл., перев., примеч. и указ. Каримова У.И. Избранные произведения в 7 т. Ташкент: Фан, 1974. Т. 4. – 1120 с.

Қ.Муниров

«КИТОБ АТ-ТАФҲИМ» АСАРИНИНГ ДУНЁ ХАЗИНАЛАРИДАГИ ҚҮЛЁЗМА НУСХАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзма асарлар хазинасида Шарқ алломаларининг турли соҳаларга оид ёзилган асарларининг қўлёзма нусхалари сақланмоқда.

Улар орасида Хоразмда яшаган буюк олимлар Мұҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдулоҳ ал-Хоразмий, Аллома Замахшарий каби буюк зотлар асарларининг қўлёзма нусхалари ҳам мавжуд.

Бу мақолада Абу Райҳон Беруний асарларидан бири «Китоб ат-Тафҳим ли авоили синоат ат-танжим» асарининг дунё хазиналарида сақланаётган қўлёзма нусхалари ҳақида қисқача маълумот келтириб ўтамиз.

Буюк энциклопедист олим Абу Райҳон Беруний (973-1048) ўрта асар фанининг турли соҳаларига оид қатор илмий асарлар ижод этди. Бу асарлари билан жаҳон маданияти хазинасига салмоқли ҳисса қўшиди.

«Беруний, ўзидан олдин ўтган буюк ватандоши Мұҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий сингари Ўзбекистонда ўрта асрларда етишган ўзбек маданияти классиги, ўзбек фанини яратган энг буюк олимлардандир. Хоразмий ўз асарлари билан Шарқ ва кейинроқ, Европа риёзий илмига асос солди, деган фикр ҳақиқатга хилоф бўлмаганидек, Берунийнинг қудратли нуфузи кейинги асрларда кўпчилик Шарқ мамлакатларида илмнинг ривожига ўз таъсирини ўтказди»¹. Берунийнинг қатор ажойиб асарлари орасида, қуйида биз тўхтаб ўтмоқчи бўлган «Китоб ат-Тафҳим ли авоили синоат ат-танжим» асари алоҳида ўринни эгаллайди. Беруний асарларидан бир қисми 1000 йиллик давр ўтишига қарамай, бизгача қўлёзма ҳолида етиб келган. «Унинг 150 дан ортиқ асарларидан 27 тасигина дунё хазиналарида сақланиб қолган»².

Беруний асарлари асрлар оша Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида маҳсус хаттотлар томонидан кўчирилган.

Бу асарларни оддийгина котиб ёки хаттот кўчира олмаган. Унинг асарларини кўчириши учун хаттот бўлиш билан бир қаторда араб, форс

¹ Толстов С.П. Беруний ва унинг замони («Беруний - ўрта асрнинг буюк олими»). Тошкент: Ўзбекистон ФА нашриёти. 1950. 4-бет.

² Абу Райҳон Бируни. Избранные произведения. «Бируни и его «Геодезия». Исследование, перевод и примеч. Булгакова П.Г. Ташкент: Фан, 1966. Т.III. С.21.

тилини мукаммал билган ва ўша даврда мавжуд фанларни тушуниб етган кишиларгина тўғри кўчиришлари мумкин эди.

Берунийнинг «Китоб ат-Тафҳим» асари икки тилда учрайди. Дунё қўлёзма асарлар хазиналарида унинг араб ва форс тилларида ёзилган қўлёзма нусхалари сақланниб қолган.

Берунийнинг «Китоб ат-Тафҳим» асарининг араб ва форс тилларида ёзилган нусхалари - Олигарх, Қоҳира, Берлин, Бодлиян, Лондон, Истанбул, Париж, Тошкент, Работ, Техрон, Душанбе шаҳарларидағи қўлёзма асарлар хазиналарида сақланмоқда³.

Д.Буало (D.L.Boilot) томонидан тузилган Берунийнинг қўлёзма асарлари библиографиясида «Тафҳим»нинг дунё хазиналарида 15 дона қўлёзма нусхаси мавжуд эканлиги кўрсатилган ва каталогларнинг номлари келтирилган.

Шуни айтиш керакки, Д.Буало юқорида зикр этилган Беруний қўлёзма асарлари библиографиясини тузишда Тошкент (Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида), Душанбе (Тожикистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида) ва Техронда сақланаётган Берунийнинг «Тафҳим» асарининг қўлёзма нусхаларидан беҳабар бўлган ва мазкур библиографияга у нусхаларни киритмаган.

Беруний ўз асарининг муқаддимасида бундай деб ёзади: «Мазкур асарни хоразмлик Ҳасанининг қизи Райҳонанинг илтимосига кўра, тушунишга осон бўлсин учун савол ва жавоб тарзида ёздим».

Берунийнинг «Тафҳим» асари 420/1029 йили ёзилган бўлиб, мазкур асар қўйидаги фанларга оид эканлиги ҳақида, яна асарнинг муқаддимасида Беруний бундай деб ёзган: «Мен геометриядан бошладим. Сўнгра ҳисоб ва сон, кейин оламнинг кўриниши ва тузилиши, ундан кейин эса астрология ҳақида ёздим. Чунки мана шу тўртта фанни тўла ўзлаштиримаган кишилар мунажжим деган номга сазовор бўлмайдилар».

«Тафҳим»нинг Тошкентда сақланаётган 445/I рақамли иккинчи нусхаси ҳам XIV аср охиirlарида кўчирилган бўлса керак.

Берунийнинг «Тафҳим» асарини ўрганган эронлик олим Жалол Ҳумой, нашрга ёзилган сўз бошида, мазкур асардан Эронда 4 дона форс-тожик ва 2 дона араб тилида ёзилган нусхалари мавжудлигини кўрсатиб ўтган.

Шундай қилиб, ҳозирча бизга маълум бўлишича, Берунийнинг мазкур асаридан дунё қўлёзма хазиналарида 23 та қўлёзма нусхаси бизгача етиб келган.

³ Муниров Қ. «Тафҳим»нинг Тошкент қўлёзма нусхаси ҳақида // Беруний туғилган кунининг 1000 йиллигига бағишиланган тўплам. Тошкент: Фан. 1973. 123-бет.

Мавжуд хорижий мамлакатларнинг Шарқ қўлёзмалари каталогларида Берунийнинг «Китоб ат-Тафҳим» асари ҳақида берилган маълумотларга қараганда, Тошкент нусхаси дунёда энг эски нусхалардан бири бўлиб чиқди. Проф. А.А.Семеновнинг ёзишича: «Асарнинг бу нусхаси ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 3423 рақамида сақланади ва 627 яздигард йили, яъни ҳозирги ҳисобда 1257 йили китобат қилинган»⁴.

Асарда ҳар хил жадваллар, усталик билан чизилган шакллар ва дунё ҳаритаси берилган.

Берунийнинг фан тарихида катта аҳамиятга эга бўлган «Китоб ат-Тафҳим» асари ҳақида Ю.И.Крачковский бундай деб ёзган эди: «Бу бир катта энциклопедия бўлиб, унда геометрия, арифметика, астрономиянинг (география, хронология, астрономик асбобларнинг тавсифи билан) ва астрологиянинг муҳим масалалари ва терминлари тушунтирилади. Ўз даврининг қатор фанлари бўйича маълумот берувчи, содда тил билан тузилган бу энциклопедия сақланиб қолган қўлёзмаларнинг кўплигига қараганда, Берунийнинг энг машҳур асарларидан ҳисобланади»⁵.

«Китоб ат-Тафҳим» билан бевосита шуғулланган А.Абдураҳмонов: «Бу асар 530 савол ва жавобдан иборат бўлиб, уни етти бобга бўлиш мумкин: I геометрия, II арифметика ва алгебра, III астрономия, IV география, V хронология, VI астролябия, VII астрология ҳақида»⁶ - деб ёзган.

Беруний асарларининг қўлёзма нусхаларини, уларда келтирилган дунё ҳаритасини ўрганганд X.Ҳасанов ўзининг «Ўртаосиёлик географ ва сайёҳлар» асарида «Китоб ат-Тафҳим»нинг Тошкент қўлёзма нусхаси ҳақида қуидаги фикрга келган: «Берунийнинг «Ат-тафҳим» китобидаги «Денгизларнинг чегаралари» бобида дунё ҳаритаси илова қилинган. Бундай ҳарита шу китобнинг барча нусхаларида бор... Биз 8 тасини кўришга мусассар бўлдик: 1) Бодлеян (№MS 540, варақ 64; 2) Берлин (№MS 5666, варақ 37; 3) Британия музейи №MS 8349, варақ 58; 4) Бодлеян №OR 281, варақ 39; 5) Берлин №MS 5665 варақ 36; 6) Техрон (Хумой нашри) саҳифа 169; 7) Душанбе №MS 385, саҳифа 103; 8 нчи ҳарита «Ат-тафҳим»нинг Тошкент қўлёзмасида. Кўриниб турибдики,

⁴ Семенов А.А. Бируни - выдающийся ученый средневековья //Бируни - великий ученый средневековья. Ташкент: Фан, 1950. С. 39.

⁵ Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. М.; Л.: Изд. АН СССР, 1957. С. 257.

⁶ Абдурахманов А. Математика в астрономических трудах Бируни: Автограф. дис.... канд. мат. наук. Ташкент, 1970. С.5.

хаттот картографиядан хийла саводли киши бўлган. Ҳамма номлари ўз ўрнида, ёзувлар тўғри ва бошқа ҳариталарга нисбатан кўпроқ... Тошкент нусхаси китоб текстига энг мувофиқ, шакли тўғрироқдир. Шунинг учун Беруний ўзи чизган оригинал ҳаритага энг ўхшashi деб биламиз».

Шундай қилиб, ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўллэзма асарлар фондида 3423 рақами билан сақланаётган Берунийнинг «Китоб ат-Тафҳим» асарининг Тошкент қўллэзма нусхаси, шу асарнинг дунё ҳазиналарида сақланаётган қўллэзма нусхалари ичida энг мўътабар нусхаларидан бири ҳисобланади.

Абу Райҳон Беруний ижодини ўрганишда бу қўллэзма асарлар асосий манба бўлиб хизмат қилади.

K. Munirov

РУКОПИСНЫЕ СПИСКИ «КИТАБ АТ-ТАФХИМ» В РУКОПИСЕХРАНИЛИЦАХ МИРА

В статье приводятся сведения о рукописных списках, находящихся в рукописехранилицах мира, капитального труда по астрономии великого узбекского ученого Абу Райхана Беруни «Книга вразумления начаткам искусства звездочетства».

K. Munirov

COPYES OF THE MANUSCRIPT «KITAB AT-TAFHIM» IN THE MANUSCRIPT LIBRARIES OF THE WORLD

In this article has given information about the copies of manuscripts of the famous uzbek scholar Abu Raihan Beruni...s scientific work named «The book of the principles of astronomy» devoted to the astronomic science, preserved in manuscript libraries of the world.

K. Шадманов

К ПРОБЛЕМЕ ПЕРЦЕПЦИИ СРЕДНЕВЕКОВОЙ ЕВРОПОЙ ЦЕННОСТЕЙ КЛАССИЧЕСКОГО ФИЛОСОФСКОГО НАСЛЕДИЯ ВОСТОКА IX-XIII вв.

Историческая взаимообусловленность традиций однозначно доказывает, что, если принимается зависимость английского философского понятийного аппарата Возрождения от общих закономерностей и тенденций этой эпохи, признается обусловленность Возрождения средневековьем и особенно античностью, то необходимо согласиться и со

следующим за этим выводом – сочинения арабоязычных философов средних веков стали одним из главных источников, по которым непосредственно или опосредованно изучали эту науку все выдающиеся возрожденческие философы Европы, включая английских. Изучение трактатов арабских философов европейцами было обязательным этапом освоения ими основ философских знаний, о чем свидетельствует тот факт, что уже в X- XIII вв. в библиотеках Оксфордского и Кэмбриджского университетов имелись в наличии фундаментальные труды наших соотечественников Фараби и Ибн Сины. Этому способствовала и школа переводчиков, сформировавшаяся в Испании (VII- XII вв.), которая не только открыла Европе мир античной философии, но сделала ее достоянием научную мысль и произведения многих ученых - философов Мавераннахра - Мухаммада Мусы Хорезми, Абу Насра Фараби, Ахмада Фергани, Абу Райхана Беруни, Абу Али ибн Сины. В европейских государствах над переводами этих ученых трудились около тысячи переводчиков, перед которыми на первый план выдвигалась проблема перевода на арабский язык произведений с греческого, сирийского языков, санскрита, фарси и ознакомления с ними ученой общественности. Среди ученых, служивших в Халифате и занимавшихся переводом на арабский язык с греческого, сирийского, фарси и хинди, особо выделяются Хунайн ибн Исхак (810- 873), Исхак ибн Хунайн, Хубайш Сабит ибн Курра (886-901), Яхъя ибн Ади, Исхак ад-Димишки, семья Масарджувайхов, Ноубахт, ибн Мукаффа, ибн Манка, ибн Вахшия.

Касаясь культурных связей между арабским Востоком и Западной Европой, французский мыслитель XVIII в. Ж. Кондорсе отмечает: “Труды арабов погибли бы для человеческого рода, если бы они не послужили для подготовления Возрождения более прочного, картину которого представит нам Запад” и что “арабы распространяли на Западе зародыши гуманизма, которые должны были дать плоды в более счастливые времена”¹. Эти плоды мусульманской культуры, философии, гуманизма подготовили такие центры эллинической культуры, находившиеся в подчинении Халифата, как Александрия, Эфес, Насибин, Севевкия, Атиохия, Джундишапур, Бактрия.

Достижения философской мысли мусульманского Востока стали также достоянием Запада. Они были восприняты, развиты дальше и подняты на новую, более высокую ступень. В этом деле значительную роль сыграли Шартрский и Парижский Университеты, учебные центры го-

¹ Кондорсе Ж. Эскиз исторической картины прогресса человеческого разума. М., 1936. С. 113, 127.

родов Болоньи, Падуи, Генуи и особенно Оксфордский университет и его выдающийся представитель аверроист-францисканец Роджер Бэкон (1214-1291), который ставил ал-Кинди в один ряд с Птолемеем², высоко чтил учения Авиценны, чьи философские труды были его настольными книгами³, Аверроэса, и использовал идеи других восточных авторов, в частности, Фараби. Труды мыслителей мусульманского Востока оказали плодотворное влияние на творчество и мировоззрение таких ярчайших представителей европейской философской мысли, как Сигер из Брабанта, Адельярд из Бата, Иоанн Солсберийский, Кларенбальд, Амальрик из Бена. Прежде всего это влияние шло от трех великих философов – Фараби, Ибн Сины и Ибн Рушда.

Изучение их трудов велось во всех образовательных учреждениях – школах, церквях, университетах. Для интеллигентии передовых европейских стран XI- XIV вв. считалось обязательным знание арабского языка, хотя бы общее знакомство с культурой, литературой, наукой и техникой Востока. А функционирование университетов, особенно их медицинских факультетов, без знания арабоязычной науки и арабского языка было практически неприемлемо. Для убедительности приведем жалобы Кордовского епископа IX в. Альваро на своих единоверцев, изложенные им на латыни в произведении «Indeculus Luminosus» (854): «Многие из моих единоверцев читают стихи и сказки арабов, изучают сочинения мусульманских философов и богословов не для того, чтобы их опровергнуть, а чтобы научиться как следует выражаться на арабском языке с большой правильностью и изяществом. Где теперь найдется хоть один, кто умел бы читать латинские комментарии на Священное писание? Кто среди них изучает Евангелия, пророков и апостолов? Увы! Все христианские юноши, которые выделяются своими способностями, знают только язык и литературу арабов, читают и ревностно изучают арабские книги, тратят огромные суммы, чтобы составить себе большие библиотеки, и во весь голос провозглашают, какого удивления достойна эта литература. Если им говорить о христианских книгах, они с презрением отвечают, что эти книги не заслуживают никакого внимания. Наоборот, бесчисленные, которые умеют выражаться по-арабски в высшей степени изящно и сочиняют стихи на этом языке с большей красотой и искусством, чем

² Бахр ал-Улюм . Ал-Кинди. Наджаф, 1962. С. 70.

³ Известно, что произведения Ибн Сины имели на Р. Бэкона такое воздействие, что он изложил свои впечатления о них в ряде писем, адресованных самому Ибн Сине (См.: Бернал Д.Ж. Наука в истории общества. М., 1956. С. 167).

сами арабы.»⁴ Европейцы действительно активно изучали арабоязычных мыслителей и в средние века, и в эпоху Возрождения - именно в течение этих периодов арабоязычная философия и выполнила, так сказать, свою историческую миссию.

Чтобы не быть голословными, приведем мнение ведущего специалиста по философии Возрождения А.Х. Горфункеля: «Со времени зарождения философских школ там господствовало аверроистское свободомыслие, сложившееся под воздействием средневековой восточной мысли и натуралистических истолкований Аристотеля... Разумеется, он (философ итальянского Возрождения XVI в. П. Помпонаци. - К.Ш.) верен традиции, проще сказать, профессиональным обязанностям: преподаватель философии должен был толковать сочинения Стагирита, привлекая его авторитетнейших комментаторов - Авиценну (Ибн Сину), Аверроэса, Фому Аквинского и других»⁵. Это не просто слова. Действительно, не известно, как развивалась бы дальше философия (а через нее и все другие науки, включая естественные), если бы арабоязычные философы VIII - XV вв. и особенно X - XII вв. не подхватили знамя мировой науки, упавшее под натиском средневековой теологии, и не пронесли его через этот тяжелый период⁶. Действительно, год 529 в истории мировой цивилизации мог стать концом античной культуры, если бы не жаждущий знаний Восток. Именно благодаря философам, выходцам из Центральной Азии, античная мысль не угасла. С IX в. арабоязычным просветителям стали известны труды Аристотеля и через них вся Европа познакомилась с гениями философии.

Естественно, преемственность в развитии философии Востока и Запада выражалась по-разному на различных этапах. В IX-XIII вв. на Востоке, главным образом в Центральной Азии, передовые мусульманские мыслители, возрождая греческую и эллинистическую философию, дали ей свою интерпретацию и в таком виде познакомили с ней представителей западного мира. Так осуществлялась преемственная связь между философией античности и философией средневекового Востока, с одной стороны, и между философской мыслью арабо-язычного

⁴ Леви-Провансаль Э. Арабская культура в Испании. М., 1967. С. 57-58; Крачковский И.Ю. Арабская культура в Испании. М., 1937. С. 11-12.

⁵ Горфункель А.Х. Постоянство разума/ Свободомыслие Петра Помпонаци// Помпонаци П. Трактаты. М., 1990. С. 6.

⁶ Комилов Н. Тафаккур карвонлари. Ташкент, 1999. С.57-59; Голованова В. Г. Курс лекций по основам философии. Ташкент, 1999. С. 79; Хайруллаев М. М. Абунаср ал-Фараби. М.: Наука, 1982. С. 252-269; Рассел Б. История западной философии. Новосибирск, 1999. С. 393-401.

